

**“КЕЛИШИЛГАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири  
ўринбосари



Н.С. Тураходжаев

“20” 06 2022 й.

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси  
Ички ишлар вазири  
ўринбосари



Б.Т. Абдуллаев

“13” 06 2022 й.

**“Е-МУНОКАМА” КОМПЛЕКС АХБОРОТ ТИЗИМИ  
ЯРАТИШ УЧУН**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

---

2022 йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ варақда  
дан амал қилади

**“КИРИТИЛДИ”**

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖХД  
Хуқуқбузарликлар профилактикаси  
хизмати бошлиғи



Б.Э. Бердиалиев

“10” 06 2022 й

Тошкент – 2022 йил

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Ахборот технологиялари, алоқа  
ва ахборотни ҳимоялаш  
бошқармаси бошлиғи



Ф.Ф. Касимов

“12” 06 2022 й.

“КЕЛИШИЛГАН”


Ўзбекистон Республикаси ДХХ  
ҳузуридаги «Киберхавфсизлик  
маркази» ДУК

01-18-02/1326-сон

“21” 06 2022 йил

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Молия ва моддий-техника  
таъминоти департаменти  
бошлиғининг биринчи  
ўринбосари



Н.Ш. Ходжаев

“13” 06 2022 й.

“КЕЛИШИЛГАН”

Ўзбекистон Республикаси ИИВ  
Ҳуқуқий статистика ва тезкор-  
ҳисоб маълумотлар маркази  
бошлиғи



Б.Х. Каримов

“11” 06 2022 й.

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
DAVLAT XAVFSIZLIK XIZMATI  
HUZURIDAGI  
«KIBERXAVFSIZLIK MARKAZI»  
DAVLAT UNITAR  
KORXONASI**

100115, Toshkent shahar, Qirq-qiz ko‘chasi, 10A-uy  
Тел. +998 (71) 203 55 11, факс +998 (71) 277 70 66  
e-xat: r.abduraxmanova@exat.uz, csec@exat.uz,  
e-mail: info@tace.uz, www.tace.uz



**ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ  
ПРЕДПРИЯТИЕ  
«ЦЕНТР КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ»  
ПРИ СЛУЖБЕ ГОСУДАРСТВЕННОЙ  
БЕЗОПАСНОСТИ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

100115, город Ташкент, улица Кирк киз, дом 10А  
Тел. +998 (71) 203 55 11, факс +998 (71) 277 70 66  
e-xat: r.abduraxmanova@exat.uz, csec@exat.uz,  
e-mail: info@tace.uz, www.tace.uz

“akt” 06 2022 y.

01-18-02/1326 son

**O‘zbekiston Respublikasi  
Ichki ishlar vazirligi  
Axborot texnologiyalari,  
aloqa va axborotni himoyalash  
boshqarmasi boshlig‘i  
F.F. Kasimovga**

Texnik topshiriq ekspertizasi bo‘yicha

**Hurmatli Fayzulla Faxrillaevich,**

“Kiberxavfsizlik markazi” DUK (keyingi o‘rinlarda – Markaz) va O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligining Moliya va moddiy texnika ta‘minoti departamenti o‘rtasida 2022-yilning 25-may sanasida tuzilgan 250-TZ-sonli shartnomaga asosan Markaz mutaxassislari tomonidan E-MUHOKAMA kompleks axborot tizimi bo‘yicha texnik topshiriq loyihasini axborot va kiberxavfsizlik talablariga muvofiqligi bo‘yicha ekspertizadan o‘tkazildi.

Ekspertiza jarayonida ushbu texnik topshiriq loyihasi Markaz mutaxassislari tomonidan berilgan taklif va tavsiyalar asosida O‘zbekiston Respublikasi Ichki ishlar vazirligi Axborot texnologiyalari, aloqa va axborotni himoyalash boshqarmasining tegishli mutaxassislari tomonidan qayta ishlandi (ilova qilinadi).

Shundan kelib chiqqan holda, shartnomaning 1.3 va 2.4 bandlariga asosan Markazning ekspert xulosasi ilovaga muvofiq yuborilmoqda.

Ilovalar: 1. “Kiberxavfsizlik markazi” DUKning Ekspert xulosasi \_\_\_ varaqda, faqat manzilga.

2. Qayta ishlangan texnik topshiriq loyihasi [akt@iiv.uz](mailto:akt@iiv.uz) elektron pochta manziliga yuborilmoqda, elektron shaklda.

**Direktor**

**O. Mirzayev**

**“Kiberxavfsizlik markazi” DUK  
EKSPERT XULOSASI**

“Kiberxavfsizlik markazi” DUK mutaxassislari tomonidan E-MUHOKAMA kompleks axborot tizimi bo‘yicha texnik topshiriq loyihasi ekspertizadan o‘tkazildi.

Tizimni yaratish va joriy qilishning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

- jinoyatlarning sabablari va ularning sodir etilishiga imkon bergan shart-sharoitlar muhokamasini elektron shaklda o‘tkazish tartibini joriy etish;

- jinoyatlarning turi hamda xususiyatlaridan kelib chiqib, vakillari, muhokamada ishtirok etishi shart bo‘lgan davlat organlari va tashkilotlar ishtirokini ta‘minlash va tizimda yoritish;

- sodir etilgan jinoyatlar hamda sudning ayblov hukmi qonuniy kuchga kirgan shaxslar to‘g‘risidagi axborotlarni umumlashtirish va hisobini yuritish;


Ekspertiza natijalariga ko‘ra, ushbu texnik topshiriq loyihasi zarur axborot va kiberxavfsizlik talablariga, shuningdek O‘zbekiston Respublikasining axborot-kommunikatsiya texnologiyalari sohasidagi qonun hujjatlari va boshqa normativ-huquqiy va me‘yoriy hujjatlar talablariga muvofiqligi aniqlandi.

Yuqoridagidan kelib chiqqan holda, ushbu texnik topshiriq loyihasi kelishilgan deb hisoblanadi va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

*Eslatma:* O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020-yil 15-iyundagi “O‘zbekiston Respublikasida kiberxavfsizlikni ta‘minlash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PQ-4751-son qaroriga muvofiq axborot tizimlari va muhim axborot infratuzilmasi obyektlari texnik topshiriqlarga hamda axborot va kiberxavfsizlik talablariga muvofiqligi yuzasidan “Kiberxavfsizlik markazi” DUKda ekspertizadan o‘tkazilishi lozim.

Yuqoridan kelib chiqqan holda, mazkur axborot tizimini to‘liq ishga tushirishdan oldin o‘rnatilgan tartibda ekspertizadan o‘tkazish maqsadga muvofiq.

**Axborot tizimlari ekspertizasi  
bo‘limi bosh mutaxassisi**



**A. Kasimxodjaev**

**Texnik topshiriqlar ekspertizasi  
bo‘limi boshlig‘i**



**M. Morozov**

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР .....	6
1.1. Тизимнинг тўлик номи ва унинг шартли белгиланиши .....	6
1.2. Комплекс буюртмачиси ва ишлаб чикувчи ташкилотларининг номи .....	6
1.3. Комплексни яратишга асос бўладиган ҳужжатлар рўйхати .....	6
1.4. Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари .....	6
1.5. Ишлар натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби .....	6
2. КОМПЛЕКСНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ЯРАТИШ МАҚСАДЛАРИ .....	7
2.1. АТни комплекс вазифаси .....	8
2.2. Комплексни яратиш мақсадлари .....	8
3. АХБОРОТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ .....	9
4. ТИЗИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР .....	9
4.1. Умуман комплексга қўйиладиган талаблар .....	10
4.1.1. Комплекс структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар .....	11
4.1.2. Ахборот тизимининг ишлаш режимларига қўйиладиган талаблар .....	13
4.1.3. Ахборот тизимининг диагностика қилиш талаблари .....	14
4.1.4. Тизимни ривожлантириш, модернизация қилиш истиқболлари .....	14
4.1.5. Ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашга қўйиладиган талаблар .....	14
4.1.6. Фойдаланувчиларга қўйиладиган талаблар .....	15
4.1.7. Ахборот тизимидан фойдаланиш сценарийлари рўйхати ва тавсифи .....	17
4.1.8. Ишончлилигига қўйиладиган талаблар .....	17
4.1.9. Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар .....	18
4.1.10. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар .....	20
4.1.11. Кўчма тизим учун транспортда ташиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар .....	21
4.1.12. Тизим компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талаблар .....	21
4.1.13. Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талаблар .....	21
4.1.14. Стандартлаштириш ва бир хиллаштиришга қўйиладиган талаблар .....	21
4.1.15. Кўшимча талаблар .....	22
4.2. Комплекс бажарадиган функцияларга (вазифаларга) қўйиладиган талаблар .....	22
4.2.1. Протокол яратиш қўйи тизимига талаблар .....	22
4.2.1.1. Манзил модули талаблари .....	23
4.2.1.2. Жиноят таърифи модули талаблари .....	23
4.2.1.3. Муҳокама модулига талаблар .....	23
4.2.1.4. Жиноят содир этган шахс модулига талаблар .....	24
4.2.1.5. Содир этилган жиноят ҳолати модули талаблари .....	24
4.2.2. Ҳисобот қўйи тизимига талаблар .....	26
4.2.2.1. Жиноят содир этган шахслар тўғрисида ҳисобот модули .....	26
4.2.3. Кўшимча Функционал Талаблар .....	27
4.2.3.1. Шахсий кабинет модули .....	27
4.2.3.2. “Администратор модулига” талаблар .....	29
4.2.3.3. Статистика модулига талаблар .....	30
4.2.3.4. Қидириш модулига талаблар .....	31
4.2.3.5. Огоҳлантириш модулига талаблар .....	31
4.2.3.6. Созламалар модулига талаблар .....	31
4.3. Таъминот турларига қўйиладиган талаблар .....	32
4.3.1. Математик таъминотга қўйиладиган талаблар .....	32
4.3.2. Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар .....	32
4.3.3. Лингвистик таъминотга қўйиладиган талаблар .....	33
4.3.4. Дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар .....	33
4.3.5. Техник таъминотга қўйиладиган талаблар .....	34
4.3.6. Метрологик таъминотга қўйиладиган талаблар .....	36
4.3.7. Ташкилий таъминотга қўйиладиган талаблар .....	36
4.3.8. Услубий таъминотга қўйиладиган талаблар .....	37
5. Тизимни яратиш ишларининг таркиби ва мазмуни .....	37
6. Тизимни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби .....	38
6.1. Текшириш ва синовлардан ўтказиш шартлари .....	39
6.2. Қабул қилиш комиссиясининг тузилиши тартиби, таркиби ва статуси .....	39

7. Тизимни ишга туширишга тайёрлаш ишларининг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар.....	40
8. Хужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар .....	41
ИШЛАНМА МАНБААЛАРИ .....	41

## Атама ва қисқартмалар

<b>Қисқартма</b>	<b>Маънолари</b>
<b>ИИБ</b>	Ички ишлар вазирлиги
<b>ИИБ</b>	Ички ишлар бошқармаси
<b>ИИО</b>	Ички ишлар органлари
<b>АТ</b>	Ахборот тизими
<b>ТТ</b>	Техник топшириқ
<b>АК</b>	Акциядорлик Компанияси
<b>ТСР/Р</b>	Transfer Control Protocol / Internet Protocol
<b>VPN</b>	Virtual Private Netwjrk (виртуальная частная сеть)
<b>E-mail</b>	Электрон почта манзили
<b>Фойдаланувчи</b>	Ахборот тизимига киришга рухсат этилган операторлар ва администраторлар
<b>Худудий администратор</b>	Вилоят ИИБ Администратори
<b>Администратор</b>	ИИБ Администратори

## **1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР**

Мазкур техник топшириқ О'zDST 1987:2018 стандартига асосан ишлаб чиқилган бўлиб, лойиҳанинг мақсадларига мувофиқ талаблар келтирилган. Лойиҳанинг асосий қисми дастурий таъминот яратишга ва фаолиятни рақамлаштиришга қаратилган.

### **1.1. Тизимнинг тўлиқ номи ва унинг шартли белгиланиши**

**Тизим тўлиқ номи:** “Е-muhokama” Маҳаллаларда жиноятларни муҳокама қилиш жараёнларини масофадан туриб назорат қилиш бўйича комплекс ахборот тизими яратиш учун техник топшириқ

**АТнинг қисқа номи:** “Е-muhokama”

### **1.2. Комплекс буюртмачиси ва ишлаб чиқувчи ташкилотларининг номи**

**Буюртмачи:** Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати

**Манзил:** Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнус Ражабий кўчаси 1 уй.

**Телефон:** +998 71 231-33-37

**Е-mail:** [info@iiv.uz](mailto:info@iiv.uz), [akt@iiv.uz](mailto:akt@iiv.uz)

**Ишлаб чиқувчи:** Ижрочи танлов (тендер) савдолари асосида ёки амалдаги қонунлар, норматив ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ бошқа йўл билан танланади.

### **1.3. Комплексни яратишга асос бўладиган ҳужжатлар рўйхати**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 март кунидаги ПФ-6196-сон “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”.

Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 сентябр кунидаги “Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш ҳақида 565-сон қарори.

### **1.4. Ишларни бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари**

Тизимни яратиш ишларини бошлаш ва тугатишнинг режа бўйича муддатлари:

**Бошлаш** – 2021 йил 20 декабрь.

**Тугатиш** – 2022 йил 30 август.

Ахборот яратиш бўйича ишларнинг таркиби, мазмуни ва муддатлари мазкур техник топшириқнинг 5-бўлимида келтирилган.

### **1.5. Ишлар натижаларини расмийлаштириш ва тақдим этиш тартиби**

Тизимини ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топшириш ишлари мазкур техник топшириқнинг олтинчи ва еттинчи бўлимларида келтирилган талаблар асосида буюртмачи томонидан қабул қилиб олинади.



**Энг асосийси лойиҳалаштириш жараёнида ижрочи буюртмачи билан ҳамкорликда қуйидаги ишларни амалга ошириши шарт:**

- Ахборотлаштириш объектида лойиҳа доирасида тадқиқот ўтказиш;
- Лойиҳа бўйича Ишчи лойиҳа ишлаб чиқиш ва буюртмачи билан келишиш (сценарийлар, дастурий таъминот интерфейслари ва архитектураси, маълумотномалар, фойдаланувчи роллари, схемалари ва бошқа дастурий-техник таъминотга қаратилган жараёнларни ўз ичига олган);
- Техник топшириқ ҳамда Ишчи лойиҳа асосида дастурий-техник таъминотни ишлаб чиқиш;
- Администратор йўриқномаларини ишлаб чиқиш;
- Фойдаланувчи йўриқномаларини ишлаб чиқиш;
- Тизимдан фойдаланиш бўйича ўқитиш;
- Тизимни дастлаб синов тариқасида ва тўлиқ фойдаланишга топширилади.

Тадқиқот ўтказишга қадар фаолият доирасидаги электрон шаклга ўтказиладиган ҳисоботлар ва таҳлилий маълумотлар Буюртмачи томонидан хатловдан ўтказилиб оптималлаштирилиши лозим. Бунда, зарур ҳолларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш ва ички буйруқлар билан фаолият тартибга солиниши зарур.

Буюртмачининг хошишига кўра, буюртмачининг ўз мутахассислари ҳамда (ёки) буюртмачи томонидан жалб этилган бошқа мутахассислар иштирокида ахборот тизимини қабул қилиб олиш учун махсус ишчи гуруҳи тузилиши мумкин.

**Буюртмачи қабул қилиш олдида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши шарт.**

Буюртмачи бажарувчидан ахборот тизимини махсус ишчи гуруҳи олдида ҳимоя қилиш ва тизимнинг ишлаш тартибини тўлиқ тушунтириб беришни талаб қилишга ҳақли.

Буюртмачи томонидан шартномага асосан бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб, ахборот тизими буюртмачи томонидан фойдаланиш учун тўлиқ қабул қилиб олинган ҳисобланади.

Иш натижаларини тақдим этиш қуйидагилардан ташкил топади:

- тўлиқ ишлаб чиқилган ва буюртмачининг мутахассислари томонидан тўлиқ синовдан ўтказилган ахборот тизими;
- буюртмачининг мутахассислари учун тизимдан фойдаланиш тартиби бўйича ўтказилган ўқув;
- тизимдан фойдаланиш тартиби бўйича ишлаб чиқилган электрон шаклдаги йўриқнома.

**2. КОМПЛЕКСНИНГ ВАЗИФАСИ ВА ЯРАТИШ МАҚСАДЛАРИ**

“E-muhokama” Маҳаллаларда жиноятларни муҳокама қилиш жараёнларини масофадан туриб назорат қилиш бўйича комплекс ахборот тизимини Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторларини фаолиятида иш самарадорлигини ошириш, бириктирилган ҳудудидан чиқмасдан хизмат вазифасини ўташ, ортиқча вақт ва сарф харажатлар қилинишини олдини олиш учун мўлжалланган.

Шу билан бирга, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида фаолият юритадиган ходимларнинг кунлик, ҳафталик, ойлик ва йиллик ҳисоботлари ҳамда профилактика инспекторларининг иш юритувида бўлган китобларини тўлиқ электрон шаклга ўтказиш режалаштирилган.

### **2.1. АТни комплекс вазифаси**

Комплекс вазифалари қуйидагилардан иборат:

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт — шароитлар муҳокамасини электрон шаклда ўтказиш тартибини жорий этиш;

Жиноятларнинг тури ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб, вакиллари муҳокамада иштирок этиши шарт бўлган давлат органлари ва ташкилотлар иштирокини таминлаш ва тизимда ёритиш;

Содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва ҳисобини юритиш;

### **2.2. Комплексни яратиш мақсадлари**

Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар муҳокамасини ўтказиш ва уларнинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида ёритиш;

Жиноят муҳокамалари бўйича юритилган ҳисоботларни мониторинг қилиб боради ва ҳаққонийлигига баҳо беради;

Жиноятларнинг тури, соҳаси ҳамда хусусиятларидан келиб чиқиб, қуйидаги давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳудудий бўлинмалари раҳбарлари муҳокамада иштирок этиши шарт:

хотин-қизлар томонидан ёки уларга нисбатан, шунингдек, одоб-ахлоқ ва оила — турмуш муносабатлари доирасида содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги;

ишсиз, бандлиги таъминланмаган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги;

руҳий ҳолати бузилган, наркологик касалликларга чалинган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги;

вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ёки Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги;

ички ишлар органларида профилактик ҳисобга олинган, жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазони ўтаётган, маъмурий назоратда турган, илгари судланган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

жамоат жойларида содир этилган жиноятлар бўйича — Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ички ишлар вазирлиги;

транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги юзасидан жиноятлар бўйича — ички ишлар органларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмалари;

бевосита давлат органлари ва ташкилотлар ҳудудида содир этилган жиноятлар бўйича — давлат органлари ва ташкилотлар раҳбарлари.

### **3. АХБОРОТЛАШТИРИШ ОБЪЕКТИ ХАРАКТЕРИСТИКАСИ**

Ҳозирги кунда профилактика инспекторларининг кундалик иш вақти асосан ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга нисбатан юритилаётган профилактик йиғма жилдларга сарфланиб, маҳалла ҳудудида ҳуқуқбузарликларни барвақт олдини олиш ва жиноятчиликни жиловлаш, муаммоли оилалар билан шуғулланишларига вақт етмаётганлиги, ҳужжатларни юритиш учун кўп маблағ сарфлаб, оиласи ва давлат бюджетига зарар етказмоқда.

Ҳолат бўйича шахсларни жойлаштириш, суд органларига фуқароларни олиб бориш учун транспорт харажатлари профилактика инспекторларининг ҳисобидан сарфланмоқда.

Жараёнларда профилактика инспекторлари томонидан транспорт харажатлари учун йилига ўртача 3,4 млрд сўм маблағ сарфланмоқда.

Шу билан бирга, Пробация хизмати томонидан амалдаги қонунга асосан ҳисобга олинган маҳкумларни яшаш жойидан текшириш учун Пробация инспекторларига тақдим қилинади ва қоғоз шаклида рўйхат асосида маҳкумларинг яшаш жойидан текширилади.

Юқорида келтириб ўтилган фаолиятни автоматлаштириш мақсадида Профилактика инспекторлари фаолиятига “**E-inspektor**” билан бир қаторда “**E-muhokama**” ахборот тизимини ҳам жорий этиш ва барча профилактика инспекторларини замонавий планшетлар билан таъминлаб, алоқа тармоғи орқали мобиль ва веб дастурлар тарқатиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур ахборот тизими фойдаланувчиси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати ходимлари ҳисобланади. Бошқа вазирлик ва идораларга мазкур тизимдан фойдаланиш ушбу техник топшириқда кўзда тутилмаган.

### **4. ТИЗИМГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР**

Тизимдан фойдаланишда Ички ишлар органларида мавжуд маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланилади.

Маълумотлар базаларини бошқариш тизимлари сифатида — **ORACLE**, **PostgreSQL** ёки **MicrosoftSQL** тизимлари биридан фойдаланиш лозим.

Дастурий таъминотни яратишда **Python (Django Framework)**, **JAVA** уoki **PHP** дастурлаш тилларининг энг мукамал ва замонавий фреймворк ҳамда кутубхоналаридан фойдаланиш зарур.

Тизим сервери **ESXi VMware** виртуализация технологияси асосида созланиб, **Windows Server**, **Linux Server** операцион тизимларидан зарурийлари ўрнатилиши лозим.

*Изоҳ: Лойиҳаолди тадқиқотлар натижасига кўра Ижрочининг таклифига мувофиқ мазкур талабларга ўзгартириш киритилиши мумкин.*

#### **4.1. Умуман комплексга қўйиладиган талаблар**

Ишлаб чиқиладиган ахборот тизимлари:

- техник топшириқда кўзда тутилган барча вазифаларни бажариши;
- мижоз — сервер технологиясида ишлаши;
- дастур оммавий, сўнги пайтларда қўлланилаётган, замонавий, тез ишловчи компютер тилларидан ва маълумотлар базасидан фойдаланган холда яратилиши;

- маълумот киритиш, излаш, ўзгартириш осон ва тез амалга оширилишини таъминлаш;

- буюртмачининг эҳтиёжларига кўра тизимга киритиладиган кичик ўзгаришларга тез ва осон мослашувчан бўлиши, шу билан тизимни сақлаш ва техник қўллаб-қувватлаш харажатларининг камайишига ҳам эришилиши;

- келажақда тизимнинг функционал имкониятлари кўпайтирилиб, тизим такомиллаштириб борилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;

- умумий маълумотлар базаси билан ишлайдиган бир қанча алоҳида модуллар шаклида яратилиб, ҳар бир модулни алоҳида такомиллаштириш ёки қўшимча модуллар қўшиш имконияти кўзда тутилган бўлиши;

- келажақда бошқа ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши;

- техник воситалар ва малакали техник хизмат кўрсатишни оптимал даражада талаб қилиши;

- фойдаланувчилар учун қулай интерфейсга эга бўлиши ва оммабоп дастурий воситалар интерфейсларига ўхшаш бўлиши;

- маълумотларнинг ишончли сақланишини таъминлаши;

- дастур ўзбек тилида бўлиши ва кейинчалик бошқа тиллар қўшиш учун қулай модул остида бўлиши;

- маълумотларнинг қулай ва тушунарли кўринишларда акс эттирилишини таъминлаши лозим.

Тизим уч босқичли марказлашган тузилмага эга бўлиб, республика бўйича ягона марказий маълумотлар базаси сервери, барча ҳисоб-китоблар амалга ошириладиган сервер дастури ва веб-браузер орқали кириладиган дастурий интерфейсдан ташкил топиши лозим.

Веб-браузер орқали кириладиган тизим очик ва ёпиқ қисмлардан иборат бўлиб, ундан стационар компьютерлар билан бир қаторда, мобил курилмалар орқали ҳам фойдаланиш имконияти яратилиши лозим.

Тизимнинг очик қисмида ахборот тизимига дахлдор бўлган умумий фойдаланиладиган маълумотлар жойлаштирилиши лозим.

Тизимнинг ёпиқ қисми турли даражадаги ҳуқуқларга эга бўлган фойдаланувчиларнинг “шахсий кабинет”ларидан иборат бўлиб, улар томонидан тизимнинг имкониятларидан тўлақонли фойдаланиш учун ягона кириш жойига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг ёпиқ қисми ахборот тизими доирасида фойдаланиладиган ахборотларнинг тартибли сақланиши, автоматик тарзда қайта ишланиши ва қулай интерактив таҳлилий шаклларда акс эттирилишини таъминлаши ҳамда фойдаланувчиларнинг ахборот билан таъминланганлик даражасини яхшилашга хизмат қилиши лозим.

#### **4.1.1. Комплекс структураси ва ишлашига қўйиладиган талаблар**

“**E-muhokama**” комплекс ахборот тизими доирасида қуйидаги тизим ва модуллар яратилиши лозим:

“**E-muhokama**” ахборот тизими:

**- Протокол қуйи тизими:**

*Ушбу қуйи тизим 3 қадамдан иборат бўлиб, биринчи навбатда тизимда протокол яратилади, иккинчи қадамда баённома шакллантирилади ва сўнги қадамда далил фотосурат, видеолавҳалар баённомалар тизимга юкланади.*

*Қуйидаги маълумотлар электрон жиноий-ҳуқуқий статистика ахборот тизимидан интеграция орқали олинади:*

**- Жиноят содир этилган манзил модули:**

*Ушбу модулда жиноятлар содир этилган манзил маълумотлари шакллантирилади.*

**- Жиноят таърифи модули**

*Ушбу модулда жиноятлар таърифи бўйича (тури, ЖК нинг моддаси ва қисми, жиноят хусусиятлари) маълумотлар шакллантирилади.*

**- Мухокама модули**

*Ушбу модулда жиноятлар мухокамаси тўғрисида маълумотлар шакллантирилади.*

**- Жиноят содир этган шахс модули**

*Ушбу модулда жиноятлар содир этган шахс тўғрисида маълумотлар шакллантирилади.*

**- Жиноят содир этилган жиноят ҳолати модули**

*Ушбу модулда жиноятлар содир этган шахс тўғрисида маълумотлар шакллантирилади.*

**- Ҳисобот қуйи тизими:**

**- Жиноят содир этган шахслар тўғрисида ҳисобот модули**

*Ушбу модулда ҳисоботлар автоматик равишда шаклланиши бунда, “протокол” қуйи тизимидан тегишли маълумотлар тизимни ўзида автоматик равишда олиниб, мазкур модулда шакллантирилаётган шакда*

кўриниши, шунингдек ҳисоботларни (муддат, тури, туман, ЖК моддаси бўйича) саралаш имкони яратилиши талаб этилади.

#### **Кўшимча функционал ахборот тизими**

Комплекс автоматлаштирилган ахборот тизимини умумий бошқариш ҳамда фойдаланувчилар билан ишлаш бўйича механизмлар мазкур ахборот тизими орқали амалга оширилади.

##### **- “Шахсий кабинет” модули;**

Модулда фойдаланувчиларга тегишли барча маълумотлар сақланади ва Администратор томонидан очилган пароллар фойдаланувчилар ўзгартириши ойнаси яратилиши лозим.

##### **- “Администратор” модули;**

Модул орқали комплексни маъмурлаш, фойдаланувчиларни бошқариш ва ҳуқуқлар бириктириши ишлари амалга оширилади.

##### **- “Статистика” модули;**

Модул орқали комплексда мавжуд маълумотларни статистикаси юритилади.

##### **- “Қидириш” модули;**

Модул орқали комплексда мавжуд маълумотларни қидириши амалга оширилади.

##### **- “Огоҳлантириш” модули;**

Модул орқали комплексдаги ўзгаришлар, янгиланишлар, киритишлар ва аҳамиятга эга бошқа маълумотлар фойдаланувчи интерфейсида акс эттирилади.

#### **Ўзаро ишлаш таъминланадиган ахборот тизимлари рўйхати:**

- “Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг “102” автоматлаштирилган маълумотлар” ахборот тизими.

- Паспорт-виза Автоматлаштирилган ахборот тизимлари мажмуаси.

- Судланганлик тўғрисидаги маълумот.

- Маъмурий ҳуқуқбузарлик ААҚТ.

- Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика АТ.

Тизимнинг модуллари ҳамда уларнинг вазифалари мазкур техник топшириқнинг 4.2 бўлимида келтирилган.

Тизимнинг тўлақонли ва оптимал ишлашини таъминлаш учун, унинг модуллари ягона мажмуа сифатида ишлаши лозим. Асосий алоқа воситаси сифатида TCP/IP протоколи асосидаги ҳимояланган VPN ёки корпоратив компьютер тармоғидан фойдаланилади. Буюртмачининг хохишига кўра, тизимдан TAs-IX тармоғи орқали фойдаланилиши ҳам мумкин. Ахборот тизимининг халқаро Интернет тармоғига уланишига йўл қўйилмайди.

Маълумотлар ташувчи тармоқ сифатида “Ўзбектелеком” АК томоиндан тақдим этиладиган ҳимояланган алоқа каналдан (VPN) фойдаланилади. Тизимдан фойдаланиш ишчи станцияларда (компьютерларда) ва мобил планшетларда амалга оширилади.

Тизим фойдаланувчилари бутун республика бўйлаб, 10 000 та фойдаланувчидан кам бўлмаган миқдорда режалаштирилиши лозим.



- сервер дастурий таъминотини ва серверларнинг техник воситалари хизмат кўрсатишга танаффуслар билан кечаю кундуз ишлаш имкониятини таъминлаши.

АТ нормал ишлаш режимини таъминлаш учун тегишли техник ҳужжатлар (техник ҳужжатлар, эксплуатация қилиш йўриқномаси ва ҳ.да) кўрсатилган АТ дастурий таъминоти ва техник воситалари комплексини эксплуатация қилиш талаблари ва шартларини бажариш зарур.

АТ ишлашининг авариявий режими дастурий ва (ёки) техник таъминот бир ёки бир нечта компонентларининг ишламай қолиши билан тавсифланади.

Авариявий режимда ўтган ҳолда АТ маълумотларни сақлаган ҳолда барча иловаларнинг ишини тугатиш имкониятни таъминлаши керак.

#### **4.1.3. Ахборот тизимининг диагностика қилиш талаблари**

АТ асосий жараёнларни диагностика қилиш воситаларини, диагностика ходисаларини кўриб чиқиш, дастурларни бажариш жараёнини мониторинг қилиш имконияти учун қулай интерфейсини тақдим этиши керак. Авариявий вазиятлар ёки дастурий таъминотни хатолар юзага келганда, диагностика воситалари муаммони идентификациялаш учун ишлаб чиқувчига зарур бўлган ахборотнинг тўлиқ тўпламини сақлаш имконини бериши керак (хотиранинг жорий ҳолати ва файлли тизимнинг жорий ҳолати тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган жараёнлар журнали).

#### **4.1.4. Тизимни ривожлантириш, модернизация қилиш истиқболлари.**

Тизим дастурий таъминотни ҳамда техник воситалар комплектини келгусида янада модернизациялаш имкониятини амалга ошириши керак.

Шунингдек масштаблаш йўли билан унумдорликни ошириш имкониятини кўзда тутиш зарур.

Шу боис фреймворк ва кутубхоналар энг юқори натижаларга эришилган технологиялар асосида фойдаланиш лозим.

#### **4.1.5. Ахборот тизимлари билан ўзаро ишлашга қўйиладиган талаблар**

Буюртмачининг сўровига мувофиқ (бунда тегишли ташкилотлар билан келишиш буюртмачи томонидан амалга оширилади) мазкур жисмоний шахслар маълумотлар базаси интеграция қилиниши кўзда тутлиши лозим.

Идентификация рақами киритилганда Ф.И.Ш ва туғилган йили, жинси. фуқаролиги каби маълумотлар автоматик тарзда олиниб, қолган маълумотлар қўл орқали киритилади.

Бундат ташқари, Тизим:

- маълумотларни экспорт ва импорт қилиш имконияти;
- маълумотлар базасига масофадан уланиш;



- тизимга веб-сервис технологияси орқали боғланиш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг бошқа ахборот тизимлари билан мувофиқлиги таъминлашда О'zDSt 2590:2012 давлат стандарти талабларига риоя этилиши лозим.

Ички ишлар вазирлиги соҳавий хизматларининг қуйидаги ахборот тизимлари билан интеграция қилиниши кўзда тутилган:

#### Жадвал 2. Ички интеграция

Соҳавий хизмат	Интеграция қилиниши лозим бўлган маълумотлар
ИИБ Навбатчилик хизматларини ташкил этиш бошқармаси	“Жиноят ва ҳодисалар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш ва рўйхатга олишнинг “102” автоматлаштирилган маълумотлар” ахборот тизими
Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси	Паспорт-виза Автоматлаштирилган ахборот тизимлари мажмуаси
Ҳуқуқий статистика ва тезкор-ҳисоб маълумотлар маркази	Судланганлик тўғрисидаги маълумот
	Маъмурий ҳуқуқбузарлик ААҚТ
	Электрон жиноий-ҳуқуқий статистика АТ

*Изоҳ: Вазирликнинг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш ўзаро келишув битими ва технологик йўриқнома тасдиқланганидан сўнг амалга оширилади. Тармоқ ва бошқа масалалар ўзаро келишув ишлари интеграция масалаларини кўриб чиқиш босқичида амалга оширилади.*

Келгусида, мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб, мутасадди ташкилот ва идоралар билан интеграция юзасидан тегишли битим ҳамда техник йўриқномалар асосида амалга оширилиши режалаштирилган. Буюртмачининг сўровига мувофиқ зарурий маълумотлар базаси интеграция қилиниши кўзда тутилиши лозим.

Шунинг билан бирга, ахборот тизими замонавий дастурлаш тиллари ва технологик ечимларидан фойдаланилган ҳолда яратилиши кўзда тутилганлиги сабабли, келгусида интеграция жараёнида веб-сервислар яратилган ҳолда тизимлар ўзаро электрон хамкорлик қила олиши зарур.

#### **4.1.6. Фойдаланувчиларга қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг барча фойдаланувчилари учун, уларнинг ҳудудий ва функционал фарқланишларидан қатъий назар дастурий таъминот ягона нусхада бўлиши лозим. Бунинг учун дастурий таъминотда фойдаланувчилари гуруҳлар ва роллар бўйича, шунингдек ҳудудлари, даражалари ва бошқа белгилари бўйича турларга ажратилган бўлиши ҳамда уларнинг барчаси ягона тизим доирасида ўзаро уйғунликда, бирбирига зарарли таъсир кўрсатмаган ҳолда, мустақил ишлаш имкониятига эга бўлиши лозим.

Комплекс фойдаланувчилари асосан қуйидаги гуруҳга ажратилади:

1-гуруҳ – маълумотларни киритувчи профилактика инспекторлар (ходимлар);

2-гуруҳ – тизим фойдаланувчилари “туман ИИБ”;

3-гуруҳ – тизим фойдаланувчилари “вилоят ИИБ”;

4-гуруҳ – тизим администраторлари “ИИБ ҲПХ масъул ходими”.

Ҳисобот шакллари тўлдириш ва юритиш ходимларнинг функционал вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бунда, фойдаланувчи бир вақтнинг ўзида, маълумот киритилишига рухсат бериладиган модулда 1-гуруҳга мансуб бўлиши.

Тизимнинг барқарор ишлаши учун талаб этилган барча шарт-шароитлар яратиб берилган ҳолатда, тизим администраторлар аралашувисиз 24/7 режимида доимий ва тўхтовсиз ишлашга мўлжалланган бўлиши лозим.

Тизимда дастурий таъминотга қўшимча функционал имкониятларнинг қўшилиб бориши ҳамда техник воситаларнинг кучайтириб борилиши мумкинлиги кўзда тутилган бўлиши лозим.

Тизим фойдаланувчиларининг сони ёки фойдаланиш кўлами кенгайган ҳолларда, дастурий ва техник таъминотнинг ишлаш тезлигини ошириш талаб этилиши мумкинлиги ҳам кўзда тутилган бўлиши лозим.

Тизимнинг ишлашини таъминловчи фойдаланувчи турлари:

- маълумот киритувчи профилактика инспекторлар;

- администраторлар

Тизимдан фойдаланувчиларнинг тахминий сони:

- маълумотларни киритувчи маҳаллага бириктирилган профилактика инспекторлар – 3 нафардан кам бўлмаган;

- ҳудудлардаги администраторлар – 14 та ҳудудда 2 нафардан кам бўлмаган.

- марказий администраторлар – 3 нафардан кам бўлмаган.

Тизим фойдаланувчиларига бўлган талаблар:

Маълумот киритувчи операторлар компьютер технологиялари, интернет тармоқларидан фойдаланиш бўйича малакали бўлиши талаб этилади;

Ҳудудлардаги администраторлар:

Маълумот киритувчи операторлар компьютер технологиялари, интернет тармоқларидан фойдаланиш бўйича малакали бўлиши ҳамда фойдаланувчилар ҳатти-ҳаракатлари устидан назоратни амалга оширишни билиши талаб этилади;

Администраторлар, тизимни умумий бошқариш, технологик жараёнларни мониторинг қилиш, фойдаланувчиларни қўшиш, хатоликларни таҳлил ва бартараф қилиш малакасига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг барқарор ишлаши учун қуйидагилар талаб этилади:

- серверлар, сервер дастурий таъминотлари ва ахборот узатиш тармоқларининг бенуқсон ҳамда узлуксиз ишлаши таъминланиши;

- администраторлар томонидан тизимга бошланғич маълумотларнинг тўғри киритилиши ва махсус администраторлик дастури ёрдамида тизим тўғри бошқариб борилиши;

- Мониторинг марказларидаги операторларга техник кўмак берувчи доимий қўллаб-қувватлаш хизматининг тўлақонли фаолият кўрсатиши.

Ходимларнинг лозим даражадаги билим ва малакага эга бўлишига эришиш мақсадида, Мониторинг марказларидаги операторлари, тизим администраторлари ҳамда қўллаб-қувватлаш хизмати ходимлари учун буюртмачининг мутахассислари томонидан тизимдан фойдаланиш қоидалари бўйича олдиндан ўқув машғулотлари ташкил этилиши ва юқори савияда ўтказилиши лозим.

Ўқув машғулотлар буюртмачи томонидан, тизимни ишлаб чиқарувчи корхона билан келишилган ҳолда ташкил этилиши ва ўқув машғулотларни юқори савияда ўтказиш учун барча шарт-шароитлар яратилиши лозим.

Тизимнинг барча фойдаланувчиларидан талаб қилинадиган иш режими кунига 8 соатни ташкил қилади.

#### **4.1.7. Ахборот тизимидан фойдаланиш сценарийлари рўйхати ва тавсифи**

Ахборот тизимидан фойдаланишнинг асосий сценарийлари комплекс тизимини жорий қилиш босқичида ижрочи томонидан ишлаб чиқилади ва буюртмачи билан келишилади.

#### **4.1.8. Ишончлилигига қўйиладиган талаблар**

Ишлаб чиқилладиган ахборот тизими:

- дастурий таъминотнинг нотўғри ишлаши билан боғлиқ ҳолатларда маълумотларнинг йўқолиб кетишига йўл қўймаслиги;

- тизимдан фойдаланиш қоидаларига тўлиқ риоя қилинган ҳолларда, тўхтовсиз, барқарор ишлаши;

- дастурий таъминотдаги хатолик сабабли тизимнинг иши тўхтаб қолган ҳолатларда, мазкур техник топшириқда белгиланган ёки буюртмачи ва ишлаб чиқарувчи ўртасида келишилган муддатларда тизимнинг ишини тўлиқ қайта тиклаш имкониятлари мавжуд бўлиши лозим.

- дастурий таъминотдаги бузилишлар. Дастурий таъминот ишдан чиққан ҳолатда, маълумотлар банки ва дастурий таъминотнинг энг охириги олинган резерв нусхаси серверда қайта тикланади. Бундай ҳолатда дастурий таъминот фаолиятини қайта тиклаш ишлари йигирма тўрт соатдан ортмаслиги лозим (техник воситалар, операцион тизим ва бошқа ёрдамчи дастурларнинг иши қайта тикланиши учун сарфланадиган вақт бунга қўшилмайди);

- техник воситаларнинг ишдан чиқиши. Техник воситалар ва алоқа каналларининг барқарор ишлаши, зарур ҳолларда зудлик билан таъмирланиши, резерв алоқа каналларини ташкил қилиш ва маълумотлардан резерв нухса олиб туриш буюртмачининг мутахассислари томонидан таъминланади. Техник воситалар ёки алоқа каналларида носозлик юзага келганида, дастурий маҳсулот ўзини ва ўз маълумотлар банкени ишлашдан чиқиб қолишига ўзи сабабчи бўлмаслиги лозим;

- электр энергияси таъминотидаги узилиш ёки импульсли носозликларда ҳам дастурий маҳсулот ўзини ва ўз маълумотлар банкени ишлашдан чиқиб қолишига ўзи сабабчи бўлмаслиги лозим. Электр энергияси таъминотида 15 дақиқагача бўладиган узилишлар компьютерлар ва серверларнинг ўчишига ҳамда тизимнинг тўхтаб қолишига олиб келмаслиги чоралари буюртмачи томонидан кўрилган бўлиши лозим.

Тизимнинг барқарор ишлашига эришиш мақсадида буюртмачи томонидан кўшимча серверлар ва кўшимча алоқа каналлари ташкил этилиб, дастурий маҳсулот ва маълумотлар банкларининг резерв нусхалари ушбу серверларга автоматик тарзда кўчириб борилиши йўлга қўйилиши лозим. Маълумотлар банки ва дастурий маҳсулотдан резерв нусха олиш ва зарур ҳолларда резерв нухадан уларни қайта тиклаш тартиб-қоидалари ишлаб чиқарувчи томонидан, тизимни фойдаланишга топшириш жараёнида, буюртмачининг администраторларига ўргатилиши ва кейинчалик бу амаллар буюртмачининг администраторлари томонидан мустақил равишда бажарилиши лозим.

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган техник ва дастурий воситалар, тизимнинг энг юқори юклама билан ишлаш ҳолатлари учун ҳам етарли бўлиши билан бир қаторда, тизим фойдаланувчилари ҳамда бажарадиган вазифаларининг ортиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда камида 20 фоизлик фойдаланилмаган резервларга ҳам эга бўлиши лозим.

Серверларда фойдаланиладиган операцион тизим, маълумотлар банкени бошқариш тизими ва бошқа ёрдамчи дастурий воситалар турли носозликларга бардошли ва авария ҳолатларида тез қайта тиклаш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Техник воситалар барқарор электр токи билан таъминловчи қурилма (UPS), кўшимча таъминот блоки (дублирующий блок питания), юқори малакали техник қўллаб-қувватлаш хизмати ва зарур бутловчи қисмлар захирасига эга бўлиши лозим.

Техник ва дастурий воситаларда юзага келган носозликлар ҳамда уларни бартараф этиш учун кўрилган чоралар буюртмачининг администраторлари томонидан батафсил қайд этиб борилиши ва бундай носозликларни камайтириш чоралари ўз вақтида кўрилиши лозим.

#### **4.1.9. Хавфсизлигига қўйиладиган талаблар**

Ахборотлар хавфсизлигини таъминлаш учун:

- SQLinjection, XSS ва шунга ўхшаган OWASP top10 рўйхатидаги заифликларга бардошли бўлиши лозим;

- фойдаланувчиларнинг тизим маълумотлари ва функционал имкониятларига бўлган ҳуқуқлари турли даражада чегаралиниши кўзда тутилган бўлиши;

- фойдаланувчиларини идентификация, аутентификация, авторизацияси методи шакиллантирилишида тизим администратори ва оддий фойдаланувчиларига кўзда тутилган бўлиши;

- ахборотларнинг бутунлиги ва тўлиқлиги таъминланиши;

- тизим рухсатсиз кириш ҳаракатларидан ҳимояланган бўлиши;

- тизим фойдаланувчиларининг аниқ идентификацияланиши;

- тизимда фойдаланувчиларнинг ҳатти-ҳаракатларини лозим даражада ёзиб бориш, зарурат бўлганда уларни назорат қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқланиши чеклаб қўйиш имкониятлари яратилган бўлиши лозим.

Қуйидаги ҳолатлар учун ахборотларнинг сақланганлиги таъминланиши лозим:

- электр таъминотидаги носозликлар, узилишлар ёки бошқа ташқи таъсир натижасида операцион тизим ёки дастурий таъминотнинг ишдан чиқиш ҳолатларида;

- техник воситаларда носозлик ёки ишдан чиқиш ҳолатлари юзага келиши натижасида операцион тизим ёки дастурий таъминотнинг ишдан чиқиш ҳолатларида;

- администраторнинг нотўғри ҳатти-ҳаракатлари натижасида тизимнинг ишдан чиқиши, дастурий таъминот ёки маълумотларнинг йўқотиб юборилиши ҳолатларида.

Тизимнинг оддий фойдаланувчилари томонидан амалга ошириладиган ҳар қандай ҳаракатлар, тизимнинг ишдан чиқишига ёки маълумотларнинг йўқотиб юборилиши сабабчи бўлиши мумкин эмас.

Дастурий-техник таъминот хавфсизлиги:

Электр тармоғига уланган барча техник воситалар тасодифий ташқи таъсирлардан лозим даражада ҳимояланган бўлиши ҳамда ГОСТ 12.1.030-81 стандарти талабларига асосан электр носозликларидан ҳимояланган бўлиши лозим.

Электр таъминоти тизими юкламанинг меъёридан ортиб кетиш ёки қисқа туташув ҳолатларида автоматик ўчиш, шунингдек авария ҳолатларида қўлда ўчириш имкониятларига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг техник воситаларидан фойдаланишда меҳнат хавфсизлиги ва муҳофазасининг амалдаги қоидаларига амал қилиниши лозим.

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган барча техник воситалар серияли ишлаб чиқарилган бўлиши ҳамда мувофиқлик сертификатига эга бўлиши лозим.

Техник воситалар жойлаштириладиган бинолар, уларни сақлаш, хизмат кўрсатиш ва хавфсизлигини таъминлаш шароитлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат стандартлари, шунингдек қонун ва қонуности ҳужжатлари талабларига жавоб бериши буюртмачи томонидан таъминланиши лозим.

Маълумотларни фақат кўриш ҳуқуқига эга бўлган оддий фойдаланувчилар учун техника хавфсизлиги бўйича қўшимча ўқувлар ўтказиш ёки махсус тайёргарликка эга бўлиш талаб этмаслиги ва улар томонидан тизимдан фойдаланишда йўлга қўйилиши мумкин бўлган

хатоликлар тизим ишининг тўхтаб қолиши, маълумотларнинг йўқолиши ёки ўзгариб кетишига сабаб бўлмаслиги лозим.

#### **4.1.10. Эргономика ва техник эстетикага қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг фойдаланувчи билан мулоқоти визуал график интерфейс шаклида ташкил этилиб, ушбу интерфейс қулай ва тушунарли бўлиши, меъёридан ортиқ даражадаги график элементлар ва турли ранглар билан юкланган бўлмаслиги ҳамда фойдаланувчининг талабларига тезлик билан жавоб қайтариши лозим.

Тизимнинг навигация элементлари ҳам фойдаланувчи учун қулай, тушунарли кўринишга эга бўлиши ва оптимал жойда жойлаштирилиши лозим.

Тизимнинг интерфейсини лойиҳалаштиришда:

- ҳар бир модул бўйича экранда акс эттириладиган барча шакллар бир хил дизайнга эга бўлиши ва бошқарув элементлари бир хил жойда жойлаштирилиши;

- кўриниши ўхшаш бўлган бошқарув элементларининг ишлаш тартиби ҳам бир хил бўлиши (сичқонча олиб келинганда, босилганда, клавиатура тугмалари босилганда барча ўхшаш элементлар бир хил тартибда ишлаши);

- клавиатурадан асосан маълумотларни киритиш ва ўзгартиришда фойдаланиши, бошқа ҳолатларда сичқончадан фойдаланилиши кўзда тутилган бўлиши;

- интерфейс 1024x768 пиксел ва ундан катта ўлчамдаги экранларда бенуксон, ноқулайликларсиз ишлаши кўзда тутилган бўлиши лозим.

Тизимнинг веб-интерфейси қуйидаги асосий компонентлардан ташкил топиши лозим :

- тизим сарлавҳаси ва бош менюси;
- юқори бошқарув ва ахборот элементлари;
- маълумотларни акс эттириш учун асосий жой;
- қўйи бошқарув ва ахборот элементлари.

Тизимнинг ҳар бир модулини лойиҳалаштиришда асосан 2-3 хил ранглар композициясидан фойдаланилиши ва интерфейснинг барча ойналари шу ранг ва шаклларга мос бўлиши лозим.

Маълумотларни киритиш ойнасида маълумотларнинг хатосиз киритилишини таъминлашга автоматик тарзда ёрдамлашиб турадиган функция жорий этилиши лозим.

Тизимнинг ишлашида хатолик юзага келганида, тизим бу ҳақда фойдаланувчига тушунарли бўлган хабарни экранга чиқариши лозим.

Тизимнинг маълумот киритиш қисмида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома жойлаштирилган бўлиши ва фойдаланувчи томонидан исталган вақтда қайта ўқиб чиқиш имконияти яратилган бўлиши лозим.

Иш ўринларида фойдаланиладиган стационар ва мобиль компьютер техникалари фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш учун қулай бўлиши лозим.

Ишчи ходимларнинг ишлаш шароитлари ва фойдаланиладиган компьютер техникасининг кўрсаткичлари амалдаги санитария меъёрларига мос бўлиши лозим.

#### **4.1.11. Кўчма тизим учун транспортда ташиш мумкинлигига қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг сервери, администраторлик қисми ва электрон тарозига уланиб ишлайдиган қисми муқим бўлиб, транспортда ташиб юрилиши кўзда тутилмаган. Тизимга мониторинг қисмидан стационар компьютерлар билан бир қаторда, мобиль қурилмаларда ҳам фойдаланилиши мумкин. Фойдаланиладиган қурилмаларнинг конструктив хусусиятлари, уларни ташиб юриш шартлари, шунингдек ташувчи транспорт воситалари бўйича алоҳида талаблар қўйилмайди.

#### **4.1.12. Тизим компонентларидан фойдаланиш, техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва сақлашга қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг техник ва дастурий воситаларига буюртмачининг махсус техник тайёргарликка эга бўлган администраторлар гуруҳи томонидан хизмат кўрсатилади. Заруратга кўра, тизимга техник хизмат кўрсатиш учун, буюртмачи ишлаб чиқарувчи билан алоҳида шартнома тузиб, ушбу вазифани ишлаб чиқарувчининг ўзига юклатиши ҳам мумкин. Тизимга хизмат кўрсатувчи ходимлар техник ва дастурий воситалардан фойдаланиш ҳамда кичик носозликларни мустақил бартараф этиш қоидаларини яхши билишлари лозим. Кўп учрайдиган кичик носозликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этиш усуллари, шунингдек техник ва дастурий воситаларга хизмат кўрсатишнинг энг оддий қоидалари тизим администраторлари учун мўлжалланган эксплуатация бўйича йўриқномада бўлиши лозим.

Техник воситаларни таъмирлаш ишлари ихтисослаштирилган сервис марказларида, юқори малакали мутахассислар томонидан амалга оширилиши лозим.

Техник воситалардан фойдаланиш шартлари нормал иқлим шароитлари ва санитария-гигиена талабларига мос бўлиши лозим.

Тизим ишини қўллаб-қувватлаш буюртмачининг администраторлари ва инженер-техник ходимлари томонидан амалга оширилиб, агар шартномада кўзда тутилган бўлса, бу ишларга ишлаб чиқарувчининг мутахассислари ҳам жалб этилиши мумкин.

#### **4.1.13. Патент ва лицензия софлигига қўйиладиган талаблар**

Ахборот тизими доирасида фойдаланиладиган операцион тизимлар, маълумотлар банкини бошқариш тизими ва бошқа дастурий таъминотларнинг патент ва лицензия софлиги буюртмачи томонидан таъминланиши лозим.

#### **4.1.14. Стандартлаштириш ва бир хиллаштиришга қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг функционал модулларини ишлаб чиқиш жараёнида бир-бирига ўхшаш бўлган барча вазифаларнинг техник, информация,

лингвистик, математик ва ташкилий ечимлари бир хил бўлишига эришилиши лозим. Ўхшаш вазифаларнинг ечимлари бир хил бўлиши учун:

- фойдаланувчи интерфейсининг ягона услубга эгалиги ва амалларнинг дастурий-техник ечимлари бир хиллаштирилиши;

- ягона услуб ва андозага эга бўлган дастурлаш воситаларидан фойдаланиш;

- ахборот тизимини ишлаб чиқишда, нисбатан кенг тарқалган дастурлаш тиллари, воситалари ва технологияларидан фойдаланиш;

- халқаро мувофиқлик сертификатига эга бўлган ва серияли ишлаб чиқариладиган техник воситалардан фойдаланиш;

- дастурий маҳсулотнинг ишлаши учун қўшимча равишда жалб этиладиган дастурлар ва компонентлардан фойдаланишни имкон даражасида камайтириш.

#### **4.1.15. Қўшимча талаблар**

Ахборот тизимини ишлаб чиқиш, фойдаланишга топшириш ва техник қўллабқувватлаш бўйича қўшимча талаблар буюртмачи ҳамда ишлаб чиқарувчи ўртасида тузиладиган шартномада ва бошқа ҳужжатларда кўзда тутилиши мумкин.

#### **4.2. Комплекс бажарадиган функцияларга (вазифаларга) қўйиладиган талаблар**

Мазкур тизимни ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматининг фаолиятида жорий қилинган “Маҳаллаларда жиноятларни муҳокама қилиш жараёнларини масофадан туриб назорат қилиш бўйича комплекс ахборот тизими” автоматлаштирилган тизимлари ва бошқа модулларга интеграциялаш ишлари бўйича талаблар ижрочига яратиш даврида тақдим этилади.

Ижрочининг таклифларига мувофиқ тизим структурасига қўшимчалар киритилишига рухсат этилади.

Қўшимча модул ҳамда компонентлар тизимни яратиш даврида ҳамда унинг истиқболда такомиллаштириш бўйича ташкилий-техник тадбирлар давомида тақдим этилади.

##### **4.2.1. Протокол яратиш қўйи тизимига талаблар**

Худудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар иштирокида жиноятларнинг сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда «маҳаллабай» ва «соҳабай» муҳокама қилиниб, ходим томонидан маълумотлар юритиш ҳамда ҳисоботни шакллантириш ушбу модулда акс эттирилиши талаб этилади.

Мазкур қўйи тизимда худуд, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини томонидани муҳокамалар тўғрисидаги маълумотлар киритилиши лозим.



#### 4.2.1.1. Манзил модули талаблари

*Жадвал 1. Жиноят содир этилган манзил тўғрисида маълумотлар*

Вилоят	Андижон вилояти	
Туман	Асака тумани	
Маҳалла	Бирлик	
Сектор рақами	4-сектор	
Сектор вакили	ИИБ, Прокурор, ДСИ, Хоқимият	
Жиноят содир этилган вақт	2022-01-17 14:30:44	
Суд қарори	Файл юкланади	

#### 4.2.1.2. Жиноят таърифи модули талаблари

Мазкур модулда жиноятларнинг тури, ЖКнинг моддаси ва қисми ҳамда жиноятнинг хусусиятлари тўғрисида маълумотлар юритилиши талаб этилади.

*Жадвал 2. Жиноят таърифи тўғрисида маълумотлар*

Жиноят тури		
Жиноят кодексининг моддаси ва қисми		
Жиноят хусусиятлари		

#### 4.2.1.3. Муҳокама модулига талаблар

Худудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар иштирокида жиноятларнинг сабабларини ўрганиш, уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш масалаларини жойига чиққан ҳолда «маҳаллабай» ва «соҳабай» муҳокама қилиниб, ходим томонидан маълумотлар юритиш ҳамда ҳисоботни шакллантириш ушбу модулда акс эттирилиши талаб этилади.

*Жадвал 3. Муҳокама маълумотлари*

Муҳокама ўтказилган сана	2022-01-17 10:50:24	
Муҳокама баёни тақдим этилган сана	2022-01-17 11:25:24	
Умумий иштирокчилар	Маҳалла фаоллари ва ихтиёрий иштирок этувчилар	
Умумий иштирокчилар сони	2	
Масъул ташкилотлар	Раҳбар ходимлар	
Таъсир чоралари кўрилган масъул раҳбар ва ходимлар иштирокчилар сони	2	
Таъсир чоралари кўрилган масъул раҳбар ва ходимлар		

<b>ОАВда ёритилган</b>	Республика ОАВларда	
<b>Жиноят сабаблари</b>		
<b>Ф.И.Ш</b>		
<b>Жинси</b>	Эркак ёки аёл	
<b>Фуқаролиги</b>	Ўзбекистон Республикаси фуқароси	
<b>МФЙ элонлар тахтасига қўйилган</b>	Ха ёки йўқ	
<b>Суд қарори</b>	Файлини юклаш	

#### 4.2.1.4. Жиноят содир этган шахс модулига талаблар

Мазкур модулда жиноят содир этган шахс тўғрисида маълумотлар шакллантирилиши талаб этилади.

**Жадвал 4.** Шахс маълумотлари

<b>Ф.И.Ш</b>		
<b>Жинси</b>		
<b>Яқин қариндошлари</b>		
<b>Фуқаролиги</b>	Ўзбекистон/Чет	
<b>М.Ф.Й эълонлар тахтасига қўйилганлиги</b>	Ха/йўқ	

#### 4.2.1.5. Содир этилган жиноят ҳолати модули талаблари

Ушбу модулда Протокол яратиш қуйи тизимининг иккинчи қадами ишлари амалга оширилади.

Содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисида ҳисобот натижалари ушбу модулда электрон шаклда юритилиб борилиши талаб этилади.

**Илова 1.** Жиноят содир этилган шахслар тўғрисидаги якуний далолат баёни.

*1-илова*

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
 \_\_\_ -сектор раҳбари, \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_  
 \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

20 \_\_\_ йил “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ вилояти (шаҳри), \_\_\_\_\_ тумани, « \_\_\_\_\_ » маҳалла  
 фуқаролари йиғинида ўтказилган йиғилишнинг  
 \_\_\_ -сонли баёни

20 \_\_\_ йил « \_\_\_ » \_\_\_\_\_ тумани (шаҳри)

Раислик қилувчи: \_\_\_\_\_ -сектор раҳбари, \_\_\_\_\_

Қатнашдилар:

---

---

---

---

---

---

\_\_\_\_\_ нафар маҳалла фуқаролари

### КУН ТАРТИБИ:

“ \_\_\_\_\_ ” маҳалласида 20\_\_ йил “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ куни содир этилган  
\_\_\_\_\_ жиноятининг сабаблари ва бунга имкон берган  
шарт-шароитларнинг муҳокамаси

Сектор раҳбари ахбороти \_\_\_\_\_

---

Жиноятнинг батафсил мазмуни \_\_\_\_\_

---

Жиноят содир этган ва жабрланган шахслар тўғрисидаги маълумотлар

---

Ҳолатнинг келиб чиқиш сабаблари ҳамда унга имкон берган  
шарт-шароитлар таҳлили \_\_\_\_\_

---

Вазирлик ва идоралар ҳудудий тузилмалари раҳбарлари ҳамда  
жамоатчилик вакилларининг билдирган фикр ва тушунтиришлари

---

Муҳокама қилинган жиноят келиб чиқишининг барвақт олдини олиш  
чораларини кўрмаган масъул ташкилотлар раҳбарлари ёки ходимларига  
интизомий таъсир чоралари қўллаш бўйича таклифлар \_\_\_\_\_

---

Кун тартибига қўйилган масалалар танқидий муҳокама қилиниб,  
йиғилиш

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Муҳокама қилинган жиноятнинг келгусида олдини олишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ва вазифалар ҳамда уларни амалга ошириш муддатлари ва масъул ижрочилари:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_
4. \_\_\_\_\_
5. \_\_\_\_\_

**Йиғилиш котиби:**

“ \_\_\_\_\_ ” МФЙ раиси

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О., имзо, муҳр)

*Изоҳ: Мазкур шаклда Жиноятларнинг сабаблари ва уларнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни муҳокама қилиш тартиби тўғрисидаги хулоса баёни ёзилади.*

#### 4.2.2. Ҳисобот қуйи тизимига талаблар

##### 4.2.2.1. Жиноят содир этган шахслар тўғрисида ҳисобот модули

Ушбу модулда ҳисоботлар автоматик равишда шаклланиши бунда, “протокол“ қуйи тизимидан тегишли маълумотлар тизимни ўзида автоматик равишда олиниб, мазкур модулда шакллантирилаётган шаклда кўриниши, шунингдек ҳисоботларни (муддат, тури, туман, ЖК моддаси бўйича) саралаш имкони яратилиши талаб этилади.

**Илова 2.** Содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисидаги ҳисобот

Ички ишлар вазирлигининг  
202\_\_ йил “\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_сон бўйруғига  
2-қисми

Содир этилган жиноятлар ҳамда суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган шахслар тўғрисида  
**ҲИСОБОТ**

№	Жиноят содир этилган (ёки айблов ҳукми қонуний бўлган) сана	Туман (шаҳар) номи	МФЙ номи	Сектор	Жиноят содир этган шахснинг Ф.И.О.	ЖКнинг моддаси ва қисми	Жиноятнинг маънавий хилофлиги, зарари ва бунга содир оғир, унча оғир бўлгани, жамъиявий ҳофда сапани бўлиши	Жиноят ҳусусиятлари														
								айб томондан содир этилган	оқиб-ахлоқ ва оила-турмуш муносиблари, деярли содир этилган	инсон томондан содир этилган	ёки шахс томондан содир этилган	воқға етмаган шахс томондан содир этилган	сон-лиқни сезилган	ҳуқуқсизлик ҳолатида турмуш шарҳ томондан содир этилган	ички ишлар оғир ва-лари проффессиялик ҳолатида турмуш шарҳ томондан содир этилган	жамоат ҳолатида содир этилган	ЯТХ	Биласми, қилган оғирликлари ва таъсиҳотлар ҳуқуқида содир этилган	Муҳокама ўтказилган сана	Муҳокама баёни тақдим этилган сана		
1																						
2																						
3																						

*Изоҳ: Мазкур шаклда жаadwalни туман-шаҳар миқёсида тўлдирилиши мўлжалланган.*

**Илова 3.** Оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар тўғрисида ҳисобот



- ҳудудий администраторлар учун (веб-интерфейс);
- асосий администраторлар учун (веб-интерфейс);

Фойдаланувчиларнинг шахсий кабинети уларни тизимга бириктириш жараёнида тақдим этилган қуйидаги маълумотлар асосида, автоматик равишда шакллантирилиши шарт:

- вилоят;
- туман;
- маҳалла;
- ФИО;
- паспорт серия рақами;
- фотосурати;
- лавозими;
- унвони;
- телефон рақами.

Фойдаланувчилар учун шахсий кабинети ҳудудий ва асосий администраторлар томонидан тегишли сўровлар асосида шакллантирилиши шарт.

Ҳудудий администраторларнинг шахсий кабинети асосий администраторлар томонидан тегишли сўровлар асосида шакллантирилиши шарт. Бунда шахсий кабинетга бериладиган ваколатлар сўровда келтирилган ҳудудий администраторнинг бажарадиган вазифасига кўра белгиланади.

Ҳудудий администратор номига шакллантирилган шахсий кабинетга кириш учун логин ва парол тизим томонидан автоматик равишда генерация қилиниши ва асосий администратор томонидан сўров муаллифига ёпиқ тарзда юборилиши лозим.

Ҳудудий администраторлар ўз шахсий кабинетларига асосий администратор томонидан бериладиган логин ва пароллар ёрдамида киради ва биринчи муваффақиятли киришни амалга оширганидан сўнг амалдаги паролни янгиллаши талаб этилади, акс ҳолда қайд ёзуви блокланади (паролни янгиллаш барча фойдаланувчилар учун мажбурий).

Асосий администраторлар тизимда шахсий кабинет шакллантириш, унга кириш учун логин ва парол генерация қилиш ишларини ўзлари мустақил равишда амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари лозим.

Тизимда қўлланиладиган пароллар қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- катта ва кичик лотин алифбосидаги ҳарфлардан иборат бўлиши (масалан: a-z, A-Z);
- ҳарфлардан ташқари рақамлар ва пунктуация символларидан иборат бўлиши (масалан: 0-9. !@#\$%^&\*());
- 8 тадан кам бўлмаган символдан иборат бўлиши.
- тизимга муваффақиятсиз киришлар сони чекланган (3 мартаба) бўлиши;
- тизимга муваффақиятсиз киришлар сони 3 мартадан ошган фойдаланувчи блокировка(чеклов) ҳолатига келтирилиши;

- блокировка(чеклов) ҳолатидан ечиш администратор томонидан амалга оширилиши;

Тизимга киришга уринишлар сони 3 тагача чекланган бўлиши, ундан ошиб кетган тақдирда тизим маълум кичик муддатга блокланиши лозим.

Тизимни ходимларнинг нотўғри ҳаракатларидан ҳимоя қилиш (хавфни камайтириш) учун комплексга киришни роллар бўйича ажратиш тизимини ишлаб чиқиш шарт. Бунда тизим фойдаланувчилари ва администраторлари учун алоҳида интерфейслар яратиш талаб этилади.

#### Шахсий кабинетга бериладиган рухсатлар:

Т/р	Қуйи тизимлар	Шахсий кабинет турлари ва уларга бериладиган ваколатлар		
		Фойдаланувчи	Худудий администратор	Асосий администратор
1.	Веб-интерфейс	Ўз худуди доирасида рухсат этилади	Ўз худуди доирасида рухсат этилади	рухсат этилади
2.	Интеграция қилинган тизимлар	Ўз худуди доирасида рухсат этилади	ман этилади	рухсат этилади
3.	Ҳисобот олиш	Ўз худуди доирасида рухсат этилади	Ўз худуди доирасида рухсат этилади	рухсат этилади
4.	Худудий администратор яратиш/ўчириш	ман этилади	Ўз худуди доирасида рухсат этилади	рухсат этилади
5.	Бажарилган амаллар журнаlines	ман этилади	Ўз худуди доирасида рухсат этилади	рухсат этилади

#### 4.2.3.2. “Администратор модулига” талаблар

Администратор модули фойдаланувчилар ва роллар рўйхатини тузиш, ҳар бир рол учун киришни аниқлаш, шунингдек интеграция жараёнларини ташкил этиш ва таъминлаш учун мўлжалланган.

Мазкур модул билан ишлаш қулай ва осон бўлиши учун веб-интерфейс кўринишида бўлиши лозим.

Белгиланган вазифаларга асосланиб, администратор модули қуйидаги функцияларни бажариши керак:

##### 1. Фойдаланувчиларни бошқариш.

Тизимда фойдаланувчиларни рўйхатга олиш, фойдаланувчилар профиллари (шахсий кабинет) ҳисобини юритиш.

Фойдаланувчиларнинг тизим маълумотлари ва функцияларига кириш ҳуқуқларини белгилаш ва тақсимлаш.

Фойдаланувчиларни марказлашган ҳолда бошқариш.

АТ ва унинг модуллари ишчи ҳолатда бўлишини назорат қилиш.

Белгиланган сўров параметрлари ҳамда филтрлар бўйича фойдаланувчилар тўғрисидаги маълумотларни олиш.

Фойдаланувчилар ҳақидаги маълумотларни тизимда такроран қайд этилмаслигини таъминлаш.

## **2. Худудий администраторларни бошқариш.**

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳамда вилоятлар марказлари сектор котиблари учун шахсий кабинет яратиш, уларга логин ва парол бириктириш.

Туман-шаҳар кесимидаги ходимлар учун шахсий кабинет яратиш, уларга логин ва парол бириктириш.

## **3. Профилактик инспекторлари ҳақидаги маълумотларни бошқариш.**

Профилактик инспектори ҳақидаги маълумотларни киритиш ва таҳрирлаш.

Профилактик инспектори ҳақидаги маълумотларни тизимда такроран қайд этилмаслигини таъминлаш.

## **4. Маълумот киритиш мониторинги.**

Маълумот киритиш муддатларини назорат қилиш.

Маълумот тури, сони, муддатлари, натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари ҳақидаги статистик ҳисоботларни даврлар оралиғида шакллантириш.

## **5. Интеграция қилинган тизимлар мониторинги.**

Тизим фаолияти доирасида йўлга қўйилган ташқи ва ИИВнинг ички ахборот тизимлари билан ахборот алмашинуви (интеграция) ҳолатини назорат қилиш. Интеграция қилинган тизимларга кириш ваколатини берувчи махсус логин/паролларни (токен) фаол ҳолатда сақлаш.

Интеграция созланмалари, иловаларнинг дастурлаш интерфейсларини (API) бошқариш ва назорат қилиш.

## **6. Тизимда бажарилган амаллар журналинини мониторинг қилиш.**

Фойдаланувчи ҳаракатларини рўйхатга олиш журналинини (logging) кўриш, юклаш ва чоп этиш.

Худудий администраторлар ҳаракатларини рўйхатга олиш журналинини (logging) кўриш, юклаш ва чоп этиш.

### **4.2.3.3. Статистика модулига талаблар**

Ушбу модул маълумотлар базасида сақланадиган маълумотлар, шунингдек буюртмачи томонидан тақдим этилган шаклларга мувофиқ равишда фаолиятда ишлатиладиган стандарт ҳисоботларни автоматик равишда яратилишини таъминлайди.

Модул асосий саҳифада “Дашборд” шаклида акс этирилиши талаб этилади.

Статистика маълумотларини асосан қуйидагича шакллантириш ва чоп этиш талаб этилади:

- киритилган маълумотлардан келиб чиқиб республика, вилоят ва шаҳар-туман кесимида;

- белгиланган муддатда ижро этилган ва этилмаган муҳокамалар ижрочилар ва худудлар кесимида.

Модул қуйидаги асосий функцияларни ўз ичига олади:



- талаб этилган параметрлари бўйича ҳисоботларни яратиш;
- маълумотларни экранга чиқариш, чоп этиш ва MS Word, MS Excel, PDF форматларида юклаш;

- ҳисоботларни талаб этилган вақтда шакллантириш.

Тизим яратилгандан сўнг ишлаб чиқарувчи томонидан 1 йил мобайнида (техник қўллаб-қувватлаш даврида) буюртмачи талаб қилган ҳисобот шаклларига мувофиқ мазкур техник топшириқ доирасида ҳисобот модуллари шакллантириб борилади.

Мазкур тизимни жорий қилиш доирасида ишлаб чиқувчиларга мавжуд ва шакллантирилиши лозим бўлган ҳисоботлар тушунтирилиб, кўрсатилади.

#### **4.2.3.4. Қидириш модулига талаблар**

Қидириш учун киритилаётган белгилар (харф, сон ва символ) юкланган ёзувларни ташкил этувчи белгилар бўйича кенгайтирилган ҳолда излашни амалга ошириши шарт.

Қидирув натижаларини ихтиёрий устун бўйича тартиблаш, филтрлаш, чоп этиш ва файлга юклаш имкони бўлиши лозим.

#### **4.2.3.5. Огоҳлантириш модулига талаблар**

Мазкур модул маълумотлар киритилганлигини ёки хатолик юз бергани ҳақида интерактив кўринишда огоҳлантириш белгиси беради.

Вазифалар асосида огоҳлантириш (“alert”) модули қуйидаги ҳолларда бажарилиши керак:

1. Файл юклаш (файл юкланганлиги ёки юкланишда хатолик бўлгани ҳақида огоҳлантириш).

2. Файл сақлаш (файл сақланганлиги ёки сақлашда хатолик бўлгани ҳақида огоҳлантириш).

3. Янги файллар (янги ланишлар) ҳақида хабар бериш (тизимда бўлган ўзгаришлар ҳақида огоҳлантириш).

4. Интеграция жараёнларидаги хатоликлар ҳақида хабар бериш (интеграция қилинган ахборот тизимларининг жавоб бермаслиги).

5. Фойдаланувчиларни идентификация қилиш жараёни ҳақида хабар бериш (бириктирилган логин/парол тўғрилиги юзасидан).

6. Фойдаланувчиларни аутентификация жараёни ҳақида хабар бериш (бириктирилган логин/парол тўғрилиги юзасидан).

7. Тизимга киришдаги уринишлар сони юзасидан хабар бериш (логин/парол хато терилганда).

8. Алоқа каналларининг активлик ҳолати ҳақида хабар бериш (ички ва ташқи тармоқдаги узилишлар юзасидан).

9. Маълумотларни киритиш/тахрирлашда жараёнидаги хатоликлар ҳақида хабар бериш (мажбурий майдонлар, маълумотлар турининг мослиги ва бошқалар).

10. Тизимнинг ишлашида юзага келган хатоликлар ҳақида хабар бериш.

#### **4.2.3.6. Созламалар модулига талаблар**

Ушбу модул орқали тизим доирасида марказий ва ҳудудий администраторлар фаолияти юритилади.

Модул куйидаги асосий функцияларни ўз ичига олади:

- фойдаланувчи яратиш бунда худудий администратор ҳамда профилактик инспекторлар шахсий кабинетини шакллантирилади;

- талаб этилган параметрлари бўйича ҳисоботларни яратиш;

Тизим яратилгандан сўнг ишлаб чиқарувчи томонидан 1 йил мобайнида (техник қўллаб-қувватлаш даврида) буюртмачи талаб қилган ҳисобот шаклларига мувофиқ мазкур техник топшириқ доирасида ҳисобот модуллари шакллантириб борилади.

Мазкур тизимни жорий қилиш доирасида ишлаб чиқувчиларга мавжуд ва шакллантирилиши лозим бўлган ҳисоботлар тушунтирилиб, кўрсатилади.

### **4.3. Таъминот турларига қўйиладиган талаблар**

#### **4.3.1. Математик таъминотга қўйиладиган талаблар**

Ахборот тизимининг математик таъминоти учун алоҳида талаблар қўйилмайди. Тизимни ишлаб чиқиш жараёнида амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосланилади. Меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган ҳолатларда мантиқан оптимал бўлган математик услублар, моделлар ва алгоритмлардан фойдаланилиши лозим.

#### **4.3.2. Ахборот таъминотига қўйиладиган талаблар**

Тизимга киритиладиган маълумотларнинг таркиби, тузилмаси ва шакллантириш услубларига қўйиладиган талаблар

Тизимга киритиладиган маълумотлар замонавий реляцион маълумотлар базасини бошқариш тизимида сақланиши ва бошқарилиши лозим. Маълумотларнинг тўлиқлиги ва ўзаро уйғунлигини таъминлаш учун маълумотлар базасини бошқариш тизимининг ички механизмларидан фойдаланилиши лозим. Маълумотлар базаси нормализация қоидалари бўйича шакллантирилиши лозим.

Тизим компонентлари ўртасидаги ахборот алмашинувида қўйиладиган талаблар

Кичик тизимлар ўртасида ахборот алмашинуви ягона ахборот майдони орқали ва стандартлаштирилган протоколлар ва маълумотлар алмашиш форматларидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши лозим.

АТ кичик тизимларининг барча таркибий қисмлари маълумотлар серверлари ва дастур серверлари орқали таъминланган ягона мантиқий майдон ичида ишлаши керак.

Ахборот алмашинувини таъминлаш учун тизим компонентлари Internet/intranet технологияси асосида қурилган ягона компьютер тармоғининг бир қисми сифатида ишлаши керак.

Тизим таркибий қисмлари орасидаги асосий алоқа воситаси сифатида Ethernet технологияси ёрдамида қурилган локал компьютер тармоғидан фойдаланиш лозим (технологиянинг ўзига хос тадбиқи лойиҳалаш босқичида аниқланиши лозим).

ТСР/IP тармоқ ва тармоқлараро алоқа учун асосий протокол сифатида ишлатилиши керак

Маълумотлар базасини бошқариш тизимига қўйиладиган талаблар

Тизимга юклатилган барча вазифаларнинг тўлақонли бажарилишига эришиш учун, маълумотлар базасини бошқариш тизими қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- маълумотларни реляцион тартибда сақлаш ва SQL тилидаги сўровлар асосида ишлай олиши;

- "мижоз-сервер" архитектурасига мос келиши;

- турли операцион тизимлар ва техник воситаларда ишлайдиган версияларга эга бўлиши;

- интероперабеллик (бошқа архитектурадаги тизимлар билан ҳамкорликда ишлай олиши).

- кўп оқимлилиқ (многopotочность);

- ишончилиқни таъминлаш воситаларига эга бўлиш:

транзакциялар журналининг юритиш, тизим ишининг тўхтатмай туриб, маълумотлардан резерв нусха олиш ва қайта тиклаш имконияти;

- маълумотлар бутунлигининг таъминлаш воситаларига эга бўлиш;

- сўровларни оптималлаштириш воситаларига эга бўлиш;

- хафвсизлиқни таъминлашнинг ички механизмларига эга бўлиш.

Фойдаланиладиган маълумотлар базасининг бошқариш тизими O'z DSt 1135:2007 давлат стандарти талабларига жавоб бериши лозим

#### **4.3.3. Лингвистик таъминотга қўйиладиган талаблар**

Тизимни ишлаб чиқишда бугунги кунда мижоз-сервер технологиясидаги веб-иловалар ишлаб чиқишда энг кенг фойдаланиладиган дастурлаш тилларидан бирортасидан (Java, PHP ёки бошқа) фойдаланилиши лозим.

Дастурлаш тилидан фойдаланиш масаласи, тизимни ишлаб чиқиш жараёнида ишнинг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танланади.

Маълумотларни бошқариш тили сифатида SQL сўровлар тилидан фойдаланилиши лозим.

Тизимни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сақлаш харажатларининг камайтириш мақсадида, айрим кенг фойдаланиладиган, очиқ кодли, эркин тарқатиладиган, бепул дастурий воситалардан ҳам буюртмачининг хохишига кўра фойдаланилиши мумкин.

#### **4.3.4. Дастурий таъминотга қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг дастурий таъминоти қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши лозим:

- функционал имкониятларининг етарлилиги (тўлиқлиги);

- ишончилиқ ва барқарорлик;

- мослашувчанлик;

- тушуниб олиш учун соддалик;
- фойдаланишга қулайлик.

Тизимга маълумот киритиш ойнасида маълумотларнинг хатосиз киритилишини таъминлашга автоматик тарзда ёрдамлашиб турадиган функция жорий этилиши лозим.

Тизимнинг ишлашида хатолик юзага келганида, тизим бу ҳақда фойдаланувчига тушунарли бўлган хабарни экранга чиқариши лозим.

Тизимнинг қабул масканларидан маълумот киритиш қисмида фойдаланиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома жойлаштирилган бўлиши ва фойдаланувчи томонидан исталган вақтда қайта ўқиб чиқиш имконияти яратилган бўлиши лозим.

Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш жараёнида фойдаланиладиган дастурий модуллар ва кутубхоналар, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатида кенг қўлланиладиган ва умумий фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ишлаб чиқилладиган дастурий маҳсулот имкон даражасида операцион тизим ва ҳисоблаш техникасининг муайян турларига боғланиб қолмаган бўлиши лозим.

Ушбу эркинликка эришиш учун:

- кўп платформали ечимларга эга бўлган ва SQL сўровлар тили асосида ишлайдиган маълумотлар базасини бошқариш тизимидан фойдаланиш;
- кўп платформали ечимларга эга бўлган web-сервер дастурларидан ва муҳитларидан фойдаланиш;
- ТСР/ІР тармоқ протоколидан фойдаланиш лозим.

Тизимни жорий этиш ва ундан фойдаланиш учун сотиб олиниши лозим бўладиган дастурий воситалар қуйидагилар бўлиши мумкин:

- операцион тизимлар;
- маълумотлар базасини бошқариш тизимлари;
- веб-сервер дастурлари;
- фойдаланиладиган компонентлар кутубхоналари;
- миждоз компютерида фойдаланиладиган дастурий воситалар (веб-браузер, антивирус, офис дастурлари);
- бошқа дастурий воситалар.

Тизимни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва сақлаш харажатларини камайтириш мақсадида, айрим кенг фойдаланиладиган, очиқ кодли, эркин тарқатиладиган, бепул дастурий воситалардан ҳам буюртмачининг хохишига кўра фойдаланилиши мумкин.

#### **4.3.5. Техник таъминотга қўйилладиган талаблар**

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган барча техник воситалар ишонччилик, экологик тозалик, хавфсизлик ва техник хусусиятлари бўйича замонавий компютер техникаларига қўйилладиган барча талаблар

ва нормаларга мос бўлиши ҳамда халқаро мувофиқлик сертификатларига эга бўлиши лозим.

Тизимнинг ишлаши учун фойдаланиладиган техник воситаларнинг турлари:

- маълумотлар базаси ва дастурий маҳсулотлар серверлари;
- корпоратив компьютер тармоғи;
- фойдаланувчиларнинг ишчи станциялари;
- администраторларнинг ишчи станциялари;
- узлуксиз электр энергияси билан таъминлаш қурилмалари

ва бошқалар.

Фойдаланиладиган техник воситалар тизимнинг тўлақонли ишлаши учун етарли миқдорий ва сифат кўрсаткичларига эга бўлиши лозим. Фойдаланиладиган техник воситалар энг камида қўйидаги техник хусусиятларга эга бўлиши лозим:

Мазкур лойиҳа доирасида 1 дона сервер қурилмаси харид қилиниши зарур.

**Жадвал 48.** Харид қилинадиган сервернинг характеристикаси

Т/р	Қурилма номи	Минимал талаб
1	Сервер	<p>Микропроцессорлар – ядролар сони 16 тадан кам бўлмаган  ҳар бир ядронинг частотаси 3,0 GHz дан паст бўлмаган,  камида 2 та микропроцессор;  Тезкор хотира – камида 128 GB;  Доимий хотира – камида 4 дона 1 TB ли SSD;  Доимий хотира – камида 20 дона 1 TB ли HDD SAS10K;  Камида 2 та 10 Gb/s ли Ethernet порт;  Камида 2 та бўш USB 2.0 порт;  Камида 1 та бўш USB 3.0 порт;  Қўйидаги имкониятларга эга бўлган операцион тизим:  - сервернинг ҳолатини тўлиқ мониторинг қилиш;  - ҳодисалар журналинини юритиш;  - масофадан бошқариш имконияти.</p> <p>Ишдан чиққан қисмларни рангли индикаторлар ёрдамида кўрсатиб туриш тизими (рангли индикация сервернинг электр тармоғидан узилган пайтида ҳам кўриниб туриши лозим).  Операцион тизимни ташқи қаттиқ дискдан юклаш имконияти.  Электр таъминотига уланиш учун камида 2 та мустақил,</p>

		бир-бирини резервловчи ва ишдан чиққанида огоҳлантириш сигнали берувчи таъминот блоклари (блок питания), 1 Гбит/с дан кам бўлмаган алоқа канали.
2	Кафолат	Сервер ва компьютер қурилмаларига камида 3 йил, Узлуксиз ток манбаига 1 йил,
3	Сервис хизмати	Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сервис марказлари
4	Ишлаб чиқилган санаси	2022 йилдан олдин бўлмаган даврда
5	Операцион тизимларни қўллаб-қувватлаши	Windows Server Linux Server ESXi

#### **4.3.6. Метрологик таъминотга қўйиладиган талаблар**

Тизимни жорий этиш ва унинг доимий барқарор ишлашига эришиш учун, буюртмачи томонидан тизимдан фойдаланишнинг барча тартиб-қоидаларини қамраб олган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиши, тасдиқланиши ва тизимдан фойдаланувчи ҳамда унга хизмат кўрсатувчи барча ходимларга етказилиши лозим.

Ходимлар томонидан нотўғри амаллар бажарилишининг олдини олиш учун:

- администраторлардан ташқари барча фойдаланувчилар учун тизимдаги маълумотлар ва созланмаларни ўчириш ҳуқуқи берилмаслиги;

- тизимдан фойдаланиш қоидалари бўйича тўлиқ ва тушунарли йўриқномалар ишлаб чиқилиб, дастлабки ҳамда доимий ўқувлар ўтказиб борилиши;

- тизимнинг барқарор ишлаши учун зарур бўлган барча техник ва ташкилий ишлар ўз вақтида амалга ошириб борилиши лозим.

#### **4.3.7. Ташкилий таъминотга қўйиладиган талаблар**

Тизимнинг барқарор ва тўлақонли ишлатиш учун талаб этиладиган ташкилий ишлар рўйхати ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланиб, буюртмачига тақдим этилади ва жараёни ушбу талаблар асосида ташкил этиш, тизим ишлашининг муҳим шарти ҳисобланади.

Тизим фойдаланувчилари томонидан нотўғри амаллар бажарилишининг олдини олиш учун администраторлардан ташқари барча фойдаланувчилар учун Тизимдаги маълумотлар ва созланмаларни ўчириш ҳуқуқи берилмаслиги лозим.

#### 4.3.8. Услубий таъминотга қўйиладиган талаблар

Тизимнинг ишлаш услублари мазкур техник топшириқда белгиланган талаблар асосида ишлаб чиқувчи томонидан тайёрланиб, тайёр дастурий маҳсулот шаклида буюртмачига тақдим этилади. Тизимни фойдаланишга қабул қилиб олиш жараёнида, томонларнинг келишувига асосан тизимнинг услубий таъминотга қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

Техник топшириқни ишлаб чиқишда қўлланилган стандартлар :

- O‘z DSt 1985:2018 Ахборот технологияси. Ахборот тизимларини яратишда ҳужжатларнинг турлари, комплектлиги ва белгиланиши.

- O‘z DSt 1986:2018 Ахборот технологияси. Ахборот тизимлари. Яратиш босқичлари.

- O‘z DSt 1987:2018. Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқ;

- O‘z DSt 2590:2012 Ахборот технологияси. Миллий ахборот тизимини шакллантириш доирасида давлат органлари томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимлари интеграциясига ва ўзаро фаолиятига қўйиладиган талаблар.

#### 5. Тизимни яратиш ишларининг таркиби ва мазмуни

№	Ишларнинг номи ва мазмуни	Бажариш муддатлари		Бажарувчи	Босқич нима билан тугалланиши (натижа)
		Бошланиши	Яқуни		
1.	АТни яратиш учун ТТ лойиҳасини ишлаб чиқиш	декабрь 2021 й.	январь 2022 й.	ИИБ АТАваАХБ ХПХ	ТТ ҳужжатини ишлаб чиқиш ва таслиқлаш
3.	ТТ ни тегишли вазирлик ва идоралар билан келишиш	январь 2022 й.	февраль 2022 й.	ИИБ ХПХ	ТТ бўйича хулосалар олиш
4.	Бажарувчини аниқлаш	январь 2022 й.	февраль 2022 й.	ИИБ МТТБ	Бажарувчини аниқлаш ва шартномалар тузиш
	Ахборотлаштириш объектида лойиҳа доирасида тадқиқот ўтказиш	февраль 2022 й.	март 2022 й.	Бажарувчи, ИИБ ХПХ, АТАваАХБ	Лойиҳа бўйича Ишчи лойиҳа ишлаб чиқиш ва буюртмачи билан келишиш
5.	Ахборот тизимини яратиш	Шартнома муддатига мувофиқ		Бажарувчи	Ахборот тизими ишлаб чиқилади. Бажарилган ишлар баённомаси.
6.	Ахборот тизимини ишга тушириш учун алоқа каналларини яратиш			ИИБ АТАваАХБ МИБ	“Ўзбектелеком” АК билан шартномалар тузиш ва алоқа каналларини яратиш. Бажарилган ишлар баённомаси.
7.	Ахборот тизимини синов тариқасида ишга тушириш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш			Бажарувчи ХПХ АТАваАХБ	Аниқланган камчиликлар ҳисобга олган ҳолда АТига қўшимчалар киритиш.

			Бажарилган ишлар баённомаси.
8.	Ахборот тизимидан фойдаланиш қўлланмаларини ишлаб чиқиш	Бажарувчи	Хужжатлар ишлаб чиқиш. Бажарилган ишлар баённомаси.
9.	Ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш	Бажарувчи	АТни топшириш баённомаси

## 6. Тизимни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби

О'з DSt 1986:2018 давлат стандартига асосан ахборот тизимини текшириш, синовдан ўтказиш ва қабул қилиш ишлари қуйидагилардан ташкил топади:

- 1) дастлабки текширишлардан ўтказиш;
- 2) тизимдан синов тариқасида фойдаланиш;
- 3) қабул қилиш синовидан ўтказиш.

Тизим фойдаланишга яроқлилиги ва мазкур техник топшириқда қўйилган талабларга жавоб бериши бўйича дастлабки текширишлардан ўтказилиши лозим. Дастлабки текшириш ишлари ижобий яқунланганда, тизимдан синов тариқасида фойдаланишга бошланиши мумкин.

Тизимдан синов тариқасида фойдаланиш ишлари буюртмачининг махсус ўқувларда иштирок этган ходимлари томонидан ўтказилади. Синовдан ўтказиш ишлари 5 иш кунидан кам ва 15 иш кунидан кўп бўлмаслиги лозим. Заруратга кўра тизимни синовдан ўтказиш ишларининг натижалари тўғрисида баённома тузилиши ва томонларга бир нусхадан такдим этилиши мумкин.

Тизимдан синов тариқасида фойдаланиш ишлари ижобий яқунлангач, тизим қабул қилиш синовидан ўтказилади. Қабул қилиш синови натижалари бўйича тизим фойдаланишга топширилади ва ундан амалда фойдаланишга бошлаш имконияти яратилади.

Қабул қилиш синовидан қуйидагилар кўриб чиқилиши лозим:

- ахборот тизимининг барча модуллари;
- фойдаланиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тушунарлилиги;
- ходимларнинг фойдаланиш ҳужжатлари билан танишганлик даражаси ва тизимдан мустақил фойдаланишга тайёрлик даражаси.

Ахборот тизимини фойдаланиш учун қабул қилиш жараёнида тизимнинг барча модуллари фойдаланишга яроқлилик ва мазкур техник топшириқда қўйилган ҳамда тизимни ишлаб чиқиш давомидаги келишувларга асосан техник топшириққа киритилган ўзгаришлар талабларига жавоб бериши бўйича буюртмачи томонидан синовдан ўтказилади.

Фойдаланиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тушунарлилигини текширишда:

- фойдаланиш ҳужжатларининг мазкур техник топшириқ талабларига тўлиқ мос келиши;



- буюртмачининг ходимлари тизимдан фойдаланиш ҳамда унга хизмат кўрсатишга тўлиқ тайёрлиги;

- фойдаланиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тушунарлилиги буюртмачи томонидан текшириб, қабул қилинади.

Дастлабки текширишлардан ўтказиш, тизимдан синов тариқасида фойдаланиш ва қабул қилиш синовидан ўтказиш ишларининг ҳар бири бўйича, заруратга кўра тегишли баённома расмийлаштирилиши ва томонларга бир нусхадан тақдим этилиши мумкин.

Ахборот тизимининг фойдаланишга топширилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги, шартномага асосан бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома билан расмийлаштирилиши лозим.

Ахборот тизими етказиб берувчи томонидан ахборот ташувчиларда буюртмачига тақдим этилиши лозим.

### **6.1. Текшириш ва синовлардан ўтказиш шартлари**

Дастлабки текшириш ва синов тариқасида фойдаланиш натижаларига кўра, ахборот тизиминини қабул қилиш синовларидан ўтказиш вақти, жойи ҳамда унда қатнашувчиларнинг таркиби буюртмачи томонидан белгиланиб, ишлаб чиқарувчи билан келишилиши лозим. О'з DSt 1987:2010 давлат стандарти талабларига кўра, тизимни текшириш ва синовдан ўтказиш ишлари буюртмачининг объектларида олиб борилиши лозим. Томонларнинг келишувига кўра, тизимни текшириш ва синовдан ўтказиш ишлари ишлаб чиқарувчининг ҳудуди ва техник воситаларида ўтказилиши ҳам мумкин. Буюртмачининг техник воситалари тизимни жорий қилиш учун тайёр бўлмаган ҳолатларда, тизим буюртмачи томонидан ташкил этиладиган синовдан ўтказиш стендида ёки ишлаб чиқарувчи томонидан вақтинча ажратиладиган техник воситаларда ўтказилиши мумкин. Синов стенди бир дона сервер, икки дона ишчи станция ва локал компьютер тармоғидан иборат бўлиши етарли ҳисобланади.

Фойдаланиладиган дастурий воситалар учун буюртмачида лицензиялар мавжуд бўлмаган ҳолларда, буюртмачи дастурий воситаларнинг лицензиясиз, вақтинчалик синов тариқасида ишлатиш мумкин бўлган версияларидан фойдаланиши мумкин. Бундай ҳолларда, тизимни фойдаланишга қабул қилиб олиш муддатларини белгилаш вақтида дастурий воситаларнинг лицензиясиз фойдаланиш мумкин бўлган муддатлари буюртмачи томонидан ҳисобга олинishi лозим.

Тизимни синовдан ўтказиш ва қабул қилиш ишлари юқоридаги талаблар асосида ўтказилганда, улар объектив ва етарли деб ҳисобланади.

### **6.2. Қабул қилиш комиссиясининг тузилиши тартиби, таркиби ва статуси**

Ахборот тизимини фойдаланишга қабул қилиб олиш учун, заруратга кўра, буюртмачи махсус қабул қилиш комиссияси тузиши, унинг раҳбари ва аъзоларини тайинлаши ҳамда ахборот тизимини ишлаб чиқарувчининг вакиллари иштирокида фойдаланишга қабул қилиб олиш мумкин.

Ахборот тизимидан фойдаланувчи объектнинг раҳбари, қабул қилиш комиссиясининг раҳбари бўлиши ёки комиссия таркибига киритилишига йўл қўйилади.

Қабул қилиш комиссияси тузилганда, унинг таркибида буюртмачи ва ишлаб чиқарувчининг камида биттадан вакиллари бўлиши шарт.

Қабул қилиш комиссиясининг статуси – идоравий.

Қабул қилиш комиссияси ўз фаолиятининг якунига кўра тизимни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида далолатнома тузиб, уни тасдиқлаш учун буюртмачига тақдим этади. Тизимни фойдаланишга қабул қилиш тўғрисида далолатнома қабул қилиш комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланган бўлиши лозим. Ушбу далолатнома ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланиши талаб этилмайди.

## **7. Тизимни ишга туширишга тайёрлаш ишларининг таркиби ва мазмунига қўйиладиган талаблар**

Объектни тайёрлаш ишлари тизимни фойдаланишга топширишдан олдин ёки топшириш жараёнида амалга оширилади. Тизимни фойдаланишга топширишда қуйидагиларнинг бажарилиши буюртмачи томонидан таъминланиши лозим:

- Тизимни жорий этиш ва синовдан ўтказиш учун масъул бўлинма ва мансабдор шахсларни тайинлаш;

- Ишлаб чиқарувчи томонидан ўтказиладиган ўқувларда тизимдан фойдаланувчи ҳамда унга хизмат кўрсатувчи барча ходимларнинг иштирок этишини таъминлаш;

- Тизим жорий этиладиган ва ундан фойдаланиладиган бино ва иншоотлардаги иш шароитларини мазкур техник топшириқда белгиланган шартлар асосида тайёрлаш;

- Тизимни жорий этиш учун лозим бўлган техник ва дастурий воситаларнинг тўлиқлиги, тизимни ўрнатиш учун тайёрлиги ҳамда ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш;

- Тизимни синовдан ўтказиш ва қабул қилиб олиш.

Объектни тайёрлаш ва тизимни фойдаланишга топшириш ишларининг муддатлари, иштирокчилари ва бажариладиган ишларнинг таркиби тизимнинг фойдаланишга топшириш учун тайёрлик даражаси ва эҳтиёждан келиб чиқиб, иш жараёнида белгиланади.

Техник ва дастурий воситаларни ўрнатиш, созлаш ҳамда фойдаланишга тайёр ҳолга келтириш ишлари буюртмачи томонидан амалга оширилиб, уларнинг ҳар бири бўйича мавжуд талаблар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши лозим.

Буюртмачининг ходимлари қуйидаги йўналишлар бўйича ўқитилади:

- 1) тизимга хизмат кўрсатувчи мутахассислар (администраторлар);
- 2) тизимдан фойдаланувчи ходимлар.

Тизимга хизмат кўрсатувчи мутахассислар учун ўқувлар ишлаб чиқарувчи томонидан, тизимдан фойдаланувчи ходимлар учун ўқувлар эса

буюртмачининг мутахассислари томонидан ўтказилади. Заруратга кўра, томонларнинг келишувчига мувофиқ, тизимдан фойдаланувчи ходимларни дастлабки ўқитиш ишлари ҳам ишлаб чиқарувчи томонидан ўтказилиши мумкин.

## **8. Ҳужжатлаштиришга қўйиладиган талаблар**

Тизим билан биргаликда тақдим этиладиган фойдаланиш ҳужжатлари, буюртмачининг ахборот тизимидан мустақил равишда фойдаланиши ва унга хизмат кўрсатиши учун тўлиқ ва етарли даражада бўлиши лозим.

Тизимни ишлаб чиқиш ва фойдаланишга топишириш жараёнида, энг камида қуйидаги ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиши лозим:

- Тизим администраторлари учун йўриқномалар.
- Фойдаланиш тартиби бўйича йўриқномалар.

Фойдаланиш ҳужжатларининг электрон ёки қоғоз шаклида бўлиши ҳамда неча нусхада тақдим этилиши тизимни ишлаб чиқиш бўйича шартномада кўзда тутилади.

Ўтказиб берувчи томонидан ишлаб чиқилган ушбу ҳужжатлар Буюртмачи билан келишилиши ва баённомалар асосида қабул қилиниб олиши лозим.

### **Ишланма манбаалари**

- O'z DSt 1135:2007 Ахборот технологияси. Маълумотлар базалари ва жойлардаги давлат бошқаруви ҳамда давлат ҳокимияти органлари ўртасида ахборот алмашишига қўйиладиган талаблар.

- O'z DSt 1985:2018 Ахборот технологияси. Ахборот тизимларини яратишда ҳужжатларнинг турлари, комплектлиги ва белгиланиши.

- O'z DSt 1986:2018 Ахборот технологияси. Ахборот тизимлари. Яратиш босқичлари.

- O'z DSt 1987:2018. Ахборот технологияси. Ахборот тизимини яратиш учун техник топшириқ;

- O'z DSt 2590:2012 Ахборот технологияси. Миллий ахборот тизимини шакллантириш доирасида давлат органлари томонидан фойдаланиладиган ахборот тизимлари интеграциясига ва ўзаро фаолиятига қўйиладиган талаблар.

- O'z DSt ISO/IEC/IEEE 12207:2018. Ахборот технологияси. Дастурий таъминот ҳаётий циклининг жараёнлари;

- O'z DSt ISO/IEC 13335-1:2009 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот-коммуникация технологиялари. Хавфсизликни бошқариш. 1-қисм. Ахборот-коммуникация технологиялари хавфсизлигини бошқариш концепциялари ва моделлари.

- O'z DSt ISO/IEC 15408-1:2016. Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот технологиялари хавфсизлигини баҳолаш мезонлари. 1-қисм. Кириш ва умумий модель;

- O'z DSt ISO/IEC 15408-2:2016. Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот технологиялари хавфсизлигини баҳолаш мезонлари. 2-қисм. Хавфсизликнинг функционал компонентлари;
- O'z DSt ISO/IEC 15408-3:2016. Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот технологиялари хавфсизлигини баҳолаш мезонлари. 3-қисм. Хавфсизликка қўйиладиган ишонч компонентлари;
- O'z DSt ISO/IEC 25051:2018. Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Тизимлар ва дастурий маҳсулот сифатига қўйиладиган талаблар ва уни баҳолаш (SQuaRE). Фойдаланишга тайёр дастурий маҳсулот (RUSP) сифатига қўйиладиган талаблар ва тестдан ўтказиш бўйича йўриқномалар
- O'z DSt ISO/IEC 27001:2016 Ахборот технологиялари. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимлари. Талаблар.
- O'z DSt ISO/IEC 27002:2016 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш методлари. Ахборот хавфсизлигини бошқаришнинг амалий қоидалари.
- ГОСТ 12.1.030-81 Система стандартов безопасности труда. Электробезопасность. Защитное заземление, зануление.
- O'z DSt 2864:2014 Ахборот технологияси. Идоралараро интеграция платформаси. Умумий техник талаблар.
- O'z DSt ISO/IEC 25021:2014 Тизимлар ва дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Тизимлар ва дастурий таъминот сифатига қўйиладиган талаблар ва уларни баҳолаш (SQuaRE). Сифат метрикаларининг элементлари.
- O'z DSt ISO/IEC TR 9294:2007 Ахборот технологияси. Дастурий таъминотнинг ҳужжатлаштирилишини бошқаришга оид қўлланма.
- O'z DSt ISO/IEC 14764:2008 Дастурий таъминотни ишлаб чиқиш. Дастурий таъминот ҳаётий циклининг жараёнлари. Дастурий воситаларни кузатиб бориш.
- O'z DSt ISO/IEC 27003:2014 Ахборот технологияси. Хавфсизлигини таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлигини бошқариш тизимини жорий этиш бўйича қўлланма.
- O'z DSt ISO/IEC 27005:2013 Ахборот технологияси. Хавфсизликни таъминлаш усуллари. Ахборот хавфсизлиги рискларни бошқариш.
- O'z DSt 1204:2009 Ахборот технологияси. Ахборотнинг криптографик муҳофазаси. Криптографик модулларга хавфсизлик талаблари.
- N 163:2007 Давлат органларининг веб-сайтлари ва серверларига хизмат кўрсатувчи тизим маъмурларининг зарур малакаси тўғрисида низом.
- T 45-194:2007 Ахборот тизимларига ноқонуний кириш ҳаракатларининг олдини олишни таъминлайдиган дастурий аппарат воситаларини қўллаш бўйича тавсиялар.
- RH 45-128:2012 Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот тизимларининг техник лойиҳаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар. - Тизимдан фойдаланувчиларнинг тезкор ва статистик ҳисобот шакллари.

Ахборот тизими учун техник топшириқ лойиҳаси келишилиши керак бўлган  
ташкilotлар рўйхати

Корхона ташкilot	Манзил
Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникациялаини ривожлантириш вазирлиги	г. Ташкент, проспект Амира Темура, д. 4 Тел.: (998) 71-238-41-07 факс: (998) 71-239-87-82 E-mail: info@mitc.uz
Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати хузуридаги «Киберхавфсизлик маркази» ДУК	Ташкент шаҳри, Қирк қиз кўчаси, 10-А уй Тел.: (998) 71-203-55-11, E-mail: info@tace.uz

Техник топшириқни ишлаб чиқувчилар ҳақида маълумотлар

Масъул бажарувчилар:

ИИВ Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси хизмати  
гуруҳ бош инспектори




А.Х. Алимбоев

ИИВ Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси хизмати  
МТБ инспектори



Ш.Б. Мухторов

ИИВ Ҳуқуқбузарликлар  
профилактикаси хизмати  
гуруҳ катта инспектори



Ф.Б. Ғайбуллаев

ИИВ Ахборот технологиялари,  
алоқа ва ахборотни ҳимоялаш  
бошқармаси бош мутахассис



Ж.Д. Шақимов

Келишилган:

ИИВ Ахборот технологиялари,  
алоқа ва ахборотни ҳимоялаш  
бошқармаси бошлиғи ўринбосари



У. Адизов